O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 6-oktabr, chorshanba ● № 42 (691) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ЖУРНАЛИСТ ОДОБИ

Касбий фаолиятининг моҳиятини тўлиқ идрок этмаган журналист ҳеч қачон ўзлигини, ҳуқуқлари, бурчлари, мажбуриятлари олдидаги масъулиятини мукаммал ҳис қила олмайди.

⇨ 4-бет

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КИТОБ ЎҚИЯПТИ...

Бир эмас, икки эмас, бир неча саволлар йиғилиб қолгач, ушбу мақолани ёзишга қўл урдим. Қизимнинг "Нега? Нега?" деган саволлари билан энди китоб нашр қилаётган ноширларимизга мурожаат қилмоқчиман.

⇨ 7-бет

УСТАНИНГ ҲАҚИҚАТИ

— Мен устозимнинг: "Сен чарх олдига ёруғ ният билан ўтир. У билан забонсиз гаплаш. Уни алқа, энг яхши тилакларингни айт. Ана ўшанда чархнинг ўқи сенинг қалбинг билан бирга айланаётганини ҳис этасан"...

⇨ 8-бет

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бунинг амалий натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Қорақалпоғистонда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,1 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш 16,9 фоиз, хизмат кўрсатиш 12,4 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 13,5 фоиз ортди.

Иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоиз ўсиши таъминланди. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Кегейли туманидаги "Давлат" фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар, ёшлар вакиллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз мураккаб экологик шароитда яшаб, меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон халқининг иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликда эришаётган ютуқларига юксак баҳо берди. Давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини биринчилардан бўлиб бажарган Оролбўйи миришкорларини самимий табриклади.

Президентимиз фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида тўхталар экан, таъминот масаласига яна бир бор эътибор қаратди.

— Деҳқонга зарур шароит яратиб бериш даркор. Шундагина у юксак натижаларга эриша олади, — деди Ислом Каримов. — Уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит, имтиёзли кредит муаммоларини вақтида ҳал этиш зарур. Айниқса, Қорақалпоғистон шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Учрашувда қорақалпоғистонлик фермерлар қишлоқ аҳлига кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Юртбошимизга самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ютуқларимизнинг асосий омили бўлаётир, — деди Элликқалъа туманидаги "Фарҳод Қўшназаров" фермер хўжалиги раҳбари Халилла Қўшназаров. — Деҳқончилик маданияти йил сайин юксалиб бормоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар ҳосилдорликни ошириш имконини бераётир.

Кегейли туманида иқтисодий-ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, банк тизимини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз сувсизликка чидамли, эртапишар пахта навлари устида чуқур илмий изланишлар олиб бориш, уларни Қорақалпоғистон шароитида районлаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, бу борада барча тоифадаги раҳбарлар масъулиятини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Мақсадимиз биз қураётган ҳуқуқий-демократик жамиятни, яъни адолатли давлатни янада мустаҳкамлаш... борат, — деди Президентимиз. — Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Бу назоратни тўғри йўлга қўйсак, шу йил 20 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги минбаридан айтган мақсадларимизга албатта етамиз.

Юртбошимиз истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган оламшумул ютуқлар хусусида, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатнинг генофондини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган юксак самаралар тўғрисида сўз юритди. Истиқлол йилларида одамларимизнинг ўртача умр кўриши 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга етгани ана шундай самаралардандир.

Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланганини, қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайганини, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоқ заминидаги учрашувда бу долзарб масалага яна бир бор эътиборни қаратди.

— Орол тақдири — миллион-миллион инсонлар тақдири демакдир, — деди Ислом Каримов. — Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур.

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, қорақалпоғистонлик олим Ғайратдин Хўжаниёзов, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири Узоқбой Айтжонов, Нукус шаҳридаги 1-академик лицей ўқитувчиси Пошшагул Камолова ва бошқалар Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Кегейли тумани Халқобод шаҳарчасидаги гўштни қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишди.

"Кегейли бўян" Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси қошида ташкил этилган, аҳолига 30 хилдаги колбаса маҳсулотлари етказиб бераётган мазкур кичик корхона ишга туширилиши муносабати билан 25 киши доимий иш билан таъминланди. Корхонага хорижий инвестиция ҳисобидан замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Бу ерда кунига 4,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Компьютерлар ёрдамида бошқарилаётган ишлаб чиқариш технологияси асосан ёшлар томонидан юритилмоқда.

Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки қўшни давлатларга ҳам етказиб берилаётир. Корхона таъсисчиси — "Абил-бог" фермер хўжалигида айни кунларда бўрдоқичилик комплекси барпо этилмоқда.

Президентимиз Нукус шаҳар марказий майдонида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланмоқда. Шаҳар марказидаги майдонда барпо этилган яшил майдон ва унга кўрк бағишлаб турган олти фаввора Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлади. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожи, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз шаҳар марказий майдонининг умумий кўринишига монанд замонавий меъморлик услубида бунёд этилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги биносини кўздан кечирар экан, ушбу майдон ва унинг атрофидаги бинолар бир-бирига уйғун, муайян маъно-мазмунга эга яхлит композиция ташкил этганини таъкидлади. Майдонга маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос дарахт кўчатлари ўтказиш, ландшафт дизайни устида янада пухтароқ ишлаш юзасидан тавсиялар берди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида талабалар бугунги кунда тўрт йўналиш бўйича замонавий таълим стандартлари асосида илм-фан сирларини ўрганмоқда. Университетнинг янги ўқув биносида талабалар учун барча қулайликлар яратилган.

Президентимиз мазкур билим даргоҳида бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз ахборот асри деб номланган XXI асрда ҳаётни информацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фаолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар замирида инсон манфаатлари мужассам экани Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ШАРҲ

Маълумки, ҳар қандай реклама юридик ёки жисмоний шахсларнинг фаолияти, улар томонидан яратилган инновацион технологиялар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, шарт-шароитлар тўғрисида аҳолига ахборот тарқатиш усули бўлиб ҳисобланади.

РЕКЛАМА ВА МАСЪУЛИЯТ

Шу сабабли ҳам юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар тўғрисида ахборот оқимини шакллантириш, тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштириш каби вазифаларни қамраб олган Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонуни 1999 йил бошидан буён мамлакатимиз ҳудудида реклама тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб келмоқда.

Ушбу қонун рекламанинг давлат ва жамият манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф муҳит ҳолатига зарар етказмаслигини, маҳсулотнинг характери, тайёрланиш усули ва жойи, истеъмол хусусиятлари, сифати ва бошқа тавсифлари, уни реализация қилиш шартларига кўра истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар тарқатилишига йўл қўймасликни ўз зиммасига олган.

Қонун реклама тарқатувчиларга ҳавола этилаётган ахборотнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, қонунийлигига амал қилиш, рекламадан фойдаланувчига эса моддий ва маънавий зарар етказмаслик мажбуриятларини юклайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунларимизнинг асосий мақсадларидан бири, истеъмолчиларнинг, айниқса вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу ўринда уларнинг онгига ёт унсурларни сингдиришга сабаб бўладиган, хусусан, ҳақиқий ёки ўйинчоқ қуроллардан фойдаланилган рекламаларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан қонун таъқиқлайди.

Маълумки, реклама қилиш шакллари ҳам, усуллари ҳам турлича замонда яшаяпмиз. Мамлакатимизда рекламалар тури ва сони кейинги йилларда ўсаётгани кузатилмоқда. Аммо, уни тарқатиш шаклларида қонун бузилиш ҳолатлари учраб турганлиги сир эмас. Ваҳоланки, реклама уни тарқатиш шакларидан ёки воситаларидан қатъи назар, бошқа ахборотдан реклама деб ҳисоблаш мумкин бўладиган даражада аниқ ажратилган бўлиши керак.

2 »

ОБУНА – 2011

Қадрли юртдошлар!

"HURRIYAT" газетасининг азиз муштарийлари!

"HURRIYAT" — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларининг фаол тарғиботчиси, мамлакатимиз ҳурриятининг сарҳил мевасидир!

Хабарингиз бор, 2011 йил учун обуна давом этмоқда.

Албатта, келгуси йил ҳам "HURRIYAT"ни муттазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга ишонамиз!

УНУТМАНГ, "HURRIYAT" СИЗНИНГ ДОИМИЙ МИНБАРИНГИЗ!

Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233

ҚАДРИЯТ

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Алломалардан бири: "Қарилик ранж, аммо нолимаган одамга у ганждир", — деган эди. Тўғри, кексалик жисмоний имкониятларнинг чекланганидир. Лекин шу билан бирга унинг салобат, нуронийлик ва донишмандлик чўққисини забт этилгани билан изоҳланиши ҳам айни ҳақиқат. Ёшлигидаги энг беғубор, самимий туйғулари ёмирилганлар, узоқ йиллар маънавий хасталикдан фориғ бўлолмаганлар учун кексалик ўз эшикларини эрта очиши тайин. Бироқ 70-80 ёшда ҳам ўзини руҳан бардам-бақувват ҳис этадиган қариялариимиз учун ҳаёт ўз сурурини намоён этавериши турган гап.

2 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ОБОД ҚИШЛОҚЛАРДАН ДАРАКЛАР

БАХМАЛДАГИ ЗАФАРЛАР

Тоғли ҳудудда жойлашган Бахмал тумани юртимизнинг обод манзараларидан бири. Қишлоқлардаги аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш вилоят ва туман раҳбарларининг доимий эътиборида. Гарчи туман қишлоқлари магистраль тармоқлардан анча олисда жойлашган бўлса-да, хонадонларни табиий газ, ичимлик суви, электр қуввати билан узлуксиз таъминлашга эришилаётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимизнинг бой маданий-маънавий меросини асраб-авайлашга қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, тумандаги Ўсмат ота, Новқа ота, Боғимозор каби тарихий қадамжолар ободонлаштирилиб, мўътабар зиёратгоҳларга айлантирилгани бу ерликларнинг ишончини янада оширди, десак муболаға бўлмас.

Қиши бирмунча узоқ, ёзи қисқа бўлган тоғ ҳудудида меҳнат қилиш осон эмас, албатта. Аммо қишда баҳорни орзиқиб кутадиган, ёзда қишнинг ташвиши билан яшайдиган меҳнатсевар бахмалликлар табиат инъомларидан унумли фойдаланишини биладилар.

Бу ернинг деҳқонлари юз минг гектардан зиёд майдонда маҳсулот етиштиришади. Мустақиллик йилларида аграр соҳанинг деҳқончилик ва чорвачилик каби анъанавий тармоқлари қаторида мева-сабзавотни қайта ишлаш саноати, енгил саноат, қурилиш соҳаси жадал тараққий этди. Бу йил ҳам боғ ва далаларда ҳосил мўл. Соҳибкорлар салмоқли даромад олишни кўзламоқдалар.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида Бахмал туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,5 фоизга ошди. Экспорт, қурилиш, савдо айланмаси, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам сезиларли ўсишлар кузатилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида янги тармоқларни ишга тушириш, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай ҳаракатлар эвазига жорий йил бошидан буён 1400 дан кўпроқ янги иш ўрни яратилди.

Фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтиришга ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Йилнинг ўтган даврида «Маннон бобо» фермер хўжалигида сутни, «Нур» фермер хўжалигида мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари барпо этилди. Паррандачилик фермаси, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Бешта асаларичилик, битта балиқчилик хўжалиги ташкил этилди.

Мустақилликка туманимизда 16 фельдшерлик-акушерлик пункти бўлиб, улардаги шароит мутлақо талабга жавоб бермас эди. Ҳозир эса замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган 26 қишлоқ врачлик пункти фаолият олиб бормоқда. Уларда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Яқинда Узунбулоқ қишлоғида янги мактаб қуриб битказилди. Бундан 19 йил аввал бутун туман бўйича бор-йўғи учта мактаб мавжуд эди. Бугунга келиб, туманда замон талабларига жавоб берадиган 72 та янги мактаб барпо этилди. Уларнинг қирқтаси спорт залларига эга. Буларнинг барчаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани, ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён этиш, муайян мутахассисликни эгаллашлари учун имкониятлар яратилганининг амалий ифодасидир.

Қишлоқлар қиёфаси ҳам тобора кўркамлашиб бормоқда. Бугун «Уйнинг томи, тўрт девори бўлса бас, бизга шу ҳам етади», деган қарашлар эскирди. Одамларда ҳавас қилса арзийдиган, замонавий уйларда яшашга интилиш кучайиб бораяпти. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳадаги уйжойларни қуриш кўлами кенгаяётганининг боиси ҳам шунда.

Биргина «Оқтош» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўттизта намунавий уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилиш арафасида. Бу ҳудудда яна чойхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини, новвойхона, консалтинг хизмати марказини қуриб, ишга туширдилар. Туманда пишиқ ғишт ишлаб чиқарилаётгани қурилишнинг жадал давом этишида муҳим омил бўлаётир.

Тинчлик ва осойишталик бор жойда қурилиш, бунёдкорлик авж олиши табиий. Айни кунларда битта маҳалла гузари, учта тўйхона, ўнта хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди. Бундан ташқари, «Сангзор» қишлоқ фуқаролар йиғинида врачлик пункти янги биносининг қурилиши ниҳоясига етказилди.

Яқинда «Сирли самар» масъулияти чекланган жамиятнинг ғишт заводи, Муғол қишлоғида паррандачилик мажмуаси, «Қатортол» фермер хўжалигида сабзавотни консервалаш, «Ойқор лоласи» хусусий фирмаси таркибида қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехлари ишга тушиш арафасида.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,
"Hurriyat" мухбири

НУКУС

Нукус туманидаги "Қорақалпоқтомат" корхонаси "Нукус-Агро" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилиб, бу ерда катта ҳажмдаги модернизация ишлари амалга оширилди. Замонавий технологиялар асосида қайта таъмирланган корхонада юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мазкур корхонада шу кунга қадар 100 тонна юқори сифатли тайёр маҳсулот – томат ишлаб чиқарилди. Йил охиригача яна 300 тонна ана шундай харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Корхонада бугунги кунда 137 киши иш билан таъминланган.

АНДИЖОН

Вилоятда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Шу кунгача Пахтаобод, Избоскан, Булоқбоши, Хўжаобод, Олтинкўл туманлари шартномавий режани ошиғи билан адо этди. Ҳар гектар ердан 35-40 центнердан ҳосил олинди

БУХОРО

Бухорода мамлакатимиз болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари жамоалари ўртасида олий ҳамда биринчи лига футбол турнири бўлиб ўтди.

Мусобақада Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари жамоалари ғолиблик учун баҳс юритди.

ЖИЗЗАХ.

Вилоятда пахтани ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиб-териб олиш мақсадида меҳнат қилаётган теримчиларга қулай шароит яратиш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун 4 ярим мингдан зиёд тиббиёт ходими сафарбар этилган.

Дала шийпонлари вилоят «Дори-дармон» шўъба корхонаси томонидан тайёрланган махсус дори қутилари билан таъминланди. Уларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда қўлланиладиган бинт, пахта, йод ва зарур дорилар бор.

СУРХОНДАРЁ

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамда вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамкорлигида тадбиркор аёллар учун "Ўз бизнесингни бошла ва такомиллаштир" мавзуидаги семинар бўлиб ўтди. Унда қичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга керакли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатилди.

САМАРҚАНД.

Самарқанд вилояти қон қуйиш маркази замонавий тиббий асбоб-ускуна, лаборатория ва мебель жиҳозлари билан таъминланди. Замонавий тиббий жиҳозларнинг ўрнатилиши қон таркибини аниқлаш ва уни қисмларга бўлиш вақти ҳамда жараёнини анча тезлаштирди. Лабораторияларда 36 хил таҳлил орқали қон таркиби ўрганилиб, инсон организмидаги касалликларни аниқлаш имконияти кенгайди. Айниқса, иммунофермент лабораторияси, ОИТС/ОИВ лабораторияларида хориждан келтирилган асбоб-ускуналар ёрдамида жуда мураккаб ҳисобланган таҳлиллар амалга оширилмоқда.

СИРДАРЁ

Янгиер шаҳрида барча шарт-шароитга эга замонавий сув спорти маркази фойдаланишга топширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими томонидан барпо этилган ушбу чўмилиш ҳавзасига замонавий сув тозалаш, фильтрлаш ва сувнинг зарур ҳароратини таъминлаш қувватига эга ускуналар ўрнатилган. Узунлиги 25 метр, эни 12 метр бўлган катта сув ҳавзасига эга мазкур спорт марказида 300 нафардан зиёд ёшлар сузиш, синхрон сузиш, сув полоси каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши мумкин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"-ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Зангиота туманида лойиҳа қиймати 649 миллион сўм бўлган 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси ўқувчиларга туҳфа этилди.

ФАРҒОНА

Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигида ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича Андижон вилоятининг Қўрғонтепа сув омборидан Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва унга яқин бўлган аҳоли яшаш манзилларига сифатли ичимлик суви тортиб келтирилади. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 44,9 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратди.

ХОРАЗМ

Урганч шаҳрида янги шифер заводи иш бошлади. Йилига 600 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ишга туширилгач, бу ерда элликка яқин киши муқим иш жойига эга бўлди. Йил охирига қадар корхона қувватини икки ҳисса ошириш, жумладан, қўшимча цехлар ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса яна 30 нафар ёшни иш билан таъминлаш имконини беради.

НАМАНГАН

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари бу ерда аудио-видео маҳсулотларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётган 38 кишининг фаолиятига чек қўйди. Тегишли ҳужжатлар шаҳар судига қонуний чора кўриш учун юборилди.

Ахборот агентликлар ва ўз мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

(Бошланиши 1-бетда.)

Шукурки, юртимизда ана шу ҳақиқатга амал қиладиганлар кўп. Шу боис бугун Ўзбекистонда 2 мингдан зиёд 100 ёшдан ошган пиру бадавлат нуронийлар истиқомат қилишади. Бугун узоқ умр кўриш учун замин ҳозирланаётган диёримизда унинг илк белгилари намоён бўлмоқда. Охирги 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умри 67 ёшдан 73 га кўтарилгани бунинг исботидир. Бу кўрсаткич аввало инсонга бўлган эътиборнинг тубдан ўзгаргани билан боғлиқ. Юртдошларимизнинг фаровонлигини ошириш мақсадида яратилаётган шарт-шароитлар, хусусан уларнинг табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланиши, экология билан боғлиқ масалаларнинг тўғри ҳал этилиши оқибатида эришилди. Шунингдек инсон умрининг кексалик даврини ўрганадиган, ёши улуғлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган геронтологик марказларнинг ташкил этилгани қарияларимиз умрини узайтиришга хизмат қилади.

Шуни қайд этиш ўринлики, бизнинг нуронийларимиз дуогўй инсонлардир. Осойишта ўтган ҳар бир кун учун қўлларини дуога очадилар, шукроналар қиладилар. Ёшлари иззат, қариялари қадр топаётган юртда қилинаётган дуолар албатта, ижобат бўлади.

Бугун энг ривожланган давлатларнинг мутахассислари ҳам шарқона шукроналик, муроса-ю мадора, бир-бирига ҳамиша яхши тилаклар тилашда гап кўплигини эътироф этаётирлар. Бизнинг кундалик турмушимизда ушбу ақида дастуриламалга айлангани қувонарлидир. Миллий қадриятларимизнинг оҳори тўкилмай сақланишида энг аввало нуроний отахону онахонларимизнинг қалқон бўлишаётгани эътиборли ҳодисадир. Шунинг учун катта авлод вакиллари бор жойда ёшлар ҳар бир қадамларини ўзгача масъулият ва андиша билан қўядилар. Кексаларимиз иқтидорли, қатъиятли, мулоҳазали ёшларнинг униб-ўсишлари йўлида ўз ҳаётий тажрибалари-ю доно фикрларини аямайдилар.

Республикамизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан нафақа ёшидаги юртдошларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими фаолият кўрсатади. Кучли фуқаролик жамиятини қуриш мақсадида қўйган илк қадамларимиз нечоғли тўғри бўлганини Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг бугунги фаолияти мисолида кўриш мумкин. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бу жамғарма, унинг вилоят ва туманлардаги бўлинмалари зиммасидаги вазифалар республикамиз қарияларини моддий, маънавий, тиббий муҳофаза этишдан иборат. Бу каби жамоат бирлашмасининг бошқа давлатларда йўқлиги ҳам юртимизда катта авлодни қадрлашга нечоғли жиддий ёндашилаётганидан дарак беради.

Ҳамдўстлик ва хориж мамлакатларида кексаларнинг маълум гуруҳ ва қатламлари, масалан, уруш фахрийларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган уюшма ва ташкилотлар бор. Аммо уруш ортида хизмат қилган меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчиларининг бевалари, яккаёлғиз қарияларни, меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тизим фақат бизнинг юртимиздагина мавжуд.

Бугун республикамизда 2,8 миллион нафар нафақа ёшидаги нуроний яшайди. Уларнинг 10 мингги иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, 150 минг нафари уруш орти меҳнат фахрийлари, 30 мингга яқини якка-ёлғиз қариялардир. Бу инсонлар санаторий-курортларда, шифохоналарда даволанишлари, протез ортопедик ускуналар, ногиронлик аравалари, эшитиш, кўриш (кўз гавҳарлари) мосламалари билан таъминланмоқдалар.

Шунингдек, нафақахўрлардан тушган ариза ва мурожаатларни ўрганиб, маҳаллий ҳокимият ва ҳомий ташкилотларнинг вакиллари билан ҳамкорликда уларни ҳал этишда ҳам "Нуроний" жамғармаси бош-қош бўлаётир.

Жамғарманинг саъй-ҳаракати билан иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 65 йиллиги арафасида қарийб 10,5 минг нафар уруш иштирокчилари қиймати 2 миллиард 87 миллион сўмлик мукофотлар билан тақдирланишди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида 70 мингдан ортиқ нуроний ўз саломатлигини тиббий кўрикдан ўтказдилар, шифохона ва санаторийларда даволандилар. "Нуроний" жамғармаси республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг жойлардаги бошқармалари билан ҳамкорликда 3563 нафар ногиронни аравалар, протез ортопедик ускуналар, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, эшитиш ва кўриш мосламалари билан таъминлади. 24 минг 699 нафар иқтисодий имконияти чекланган уруш ва меҳнат фахрийларининг муқаддас зиёратгоҳларга, истиқлол йилларида бунёд этилган обидаларни томоша қилишга олиб борилгани ҳам диққатга сазовордир. Ушбу маълумотлар Ўзбекистонда қарияларнинг ижтимоий муҳофазаси давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Кексаларни қадрлашнинг, инсонийликни улуғлашнинг ушбу кўринишлари туфайли нуроний отахону-онахонларимизнинг юз-кўзларида файз, тароват, шукроналик ва миннатдорлик аломатлари жилва қилаверади. Қўллари юртимизнинг тинчлик-осойишталиги, фарзандларимизнинг бахту камоли учун ҳамиша дуога очилаверади.

Мамлакат НОРМУРОДОВА

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Theatre.UZ/2010" биринчи халқаро театр фестивали бошланди.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Theatre.UZ 2010

Мазкур ижодий фестивалдан кўзланган мақсад — юртимиз ва хорижий театрларнинг илғор анъана ва ютуқлари билан санъат ихлосмандларини кенг таништириш, томошабинларни миллий ва хорижий театр санъати янгиликларидан хабардор этиш, соҳада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш учун кенг имкониятлар яратишдир.

Ушбу тадбир доирасида юртимиз ҳамда Россия, Украина, Исроил, Греция, Италия каби мамлакатларнинг театр ижодкорлари ҳамкорлигида спектакллар, театр рассомлари кўргазмаси, концерт ва мусиқа кечалари бўлиб ўтади. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг ижодий жамоаси ҳамда италиялик дирижёр Маурицио Чампи иштирокидаги "Италиянинг юлдузли осмони" мавзуидаги гала-концерт, Ўзбекистон ёшлар театри ҳамда Россия, Греция, Франция, Швейцария санъаткорлари иштирокида саҳналаштирилган Ж.Мольернинг "Тартюф" асари шулар жумласидандир. Фестивалда Ўзбек миллий академик драма театрининг "Аёлғу" спектакли, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрининг "Хонима хоним" спектакли томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Фестиваль Ўзбекистон ёшлар театри ҳамда исроиллик театр ижодкорлари ҳамкорлигида саҳналаштирилган «Сехрланган тикувчи» спектакли билан бошланди.

Шаҳноза АБДУЛАХАТОВА

РЕКЛАМА ВА МАСЪУЛИЯТ

(Бошланиши 1-бетда.)

Хусусан, телевидение ва радиодаги реклама бошқа дастурлардан унинг бошланиши ва охирида аудио-, видео-, аралаш воситалар ёки бошловчиларнинг шарҳлари ёрдамида ажратиб қўйилиши лозим.

Реклама тарқатишнинг "нотўғри реклама", "яширин реклама", "қиёсий реклама" каби бир неча усуллари мавжуд. Нотўғри реклама ўз номи билан нотўғри, шу сабабли ҳам у жамият учун зарарли ҳисобланади. Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юборилиши, бундан ташқари, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи, шунингдек, шахсга ёки давлатга моддий ва маънавий зарар етказиш хавфи бўлган реклама нотўғри реклама ҳисобланади ва бундай рекламани тарқатиш қонун ҳужжатлари билан тақиқланади.

Яширин реклама истеъмолчининг идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказадиган, шу жумладан, махсус видео иловалардан (қўш овозли ёзувдан) фойдаланиш йўли билан ҳамда бошқа усуллар орқали таъсир ўтказадиган рекламалардир. Масалан, кинофильмларда актёрларнинг сигарет чекиши ёки спиртли ичимлик истеъмол қилишига оид кадрларни ёки телекўрсатувлардаги маълум бир қишлоқ хўжалик маҳсулотининг дориворлик хусусиятларини мутахассис бўлмасдан туриб оммалаштириш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қонунда телекўрсатувларнинг бошловчилари, суҳандонлари ва бошқа қатнашчилари реклама учун ажратилган вақтдан ташқари пайтда маҳсулотни била туриб намойиш қилиш ёки унинг истеъмол хусусиятларини бевосита ёки билвосита тавсифлаш ҳуқуқи берилмаган. Ваҳоланки, яширин рекламадан радио-, теле-, видео-, аудио- ва кино маҳсулотда, шунингдек, бошқа маҳсулотда фойдаланишга ва уни ўзга усуллар билан тарқатишга йўл қўйилмайди.

Қиёсий реклама — рақобатчига ёки унинг томонидан тақдим этилаётган муайян бир турдаги маҳсулотга бевосита ёки билвосита айнанлаштириладиган рекламадир. Агар рекламада маҳсулотнинг моддий, муҳим, ишончли хоссалари холисона ва инсоф билан таққосланса, бунда реклама ундан фойдаланувчини чалғитиб қўймаса ва чалғитиб қўйиши мумкин бўлмаса, реклама берувчи билан рақобатчининг шахси ёки реклама берувчининг ва рақобатчининг товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), фирма номи, маҳсулоти аралашиб кетмаса ҳамда рақобатчининг ишчанлик обрўсини ёки унинг товар белгисини (хизмат кўрсатиш белгисини), фирма номини, маҳсулоти ёки фаолиятини бадном этмаса қонун қиёсий рекламага йўл беради.

Амалиётда умумхалқ манфаати учун фойдали бўлган рекламалар мавжуд. Бундай рекламалар қонун билан ижтимоий рекламали ахборот сифатида тартибга солинади. Бундай ахборотлар сирасига соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат масалаларига доир маълумотлар тарқатиш ва бошқа нотижорат йўсиндаги ахборотлар киради.

Қонунда шахсларнинг ижтимоий рекламали ахборотни текинга тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолияти, ўз мол-мулкини ижтимоий рекламали ахборот тайёрлаш ва тарқатиш учун бошқа шахсларга бериши хайрия фаолияти деб эътироф этилади. Бундай шахсларга қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзлар берилади. Жумладан, реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламали ахборотни жойлаштириши шарт.

Таъкидлаш жоизки, фаолияти Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштиришга бурчлидирлар.

Баъзан телевидениеда рекламаларнинг кўплиги ва уларнинг теледастурларни мароқ билан кўриш учун халал бериши хусусида кўп эшитамиз. Эндиликда бу масала ҳам қонун билан тартибга солинган. Телерадиоташкилотлар учун рекламага ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатига 10 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Бу талаб кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ихтисослаштирилган рекламавий каналларига татбиқ этилмайди, албатта.

Масалага аниқроқ ёндашадиган бўлсак, 45 минутдан ортиқ давом этадиган концерт-томоша ва спорт дастурлари, кино- ҳамда телефильмлар реклама учун тўлиқ 45 минутлик вақт оралиғида кўпи билан бир марта узиб қўйилиши мумкин.

Реклама кўрсатувларнинг (эшиттиришларнинг) бошланиши олдидан ёки улар тугаганидан сўнг жойлаштирилиши ҳам мумкин. 10 минутдан кам давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) умуман, 10 минутдан ортиқ давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) эса бу телекўрсатувларнинг (радиоэшиттиришларнинг) муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан келишмасдан туриб реклама жойлаштирилиши, шунингдек, давлат анжуманлари ва маросимлари кўрсатилаётган (эшиттирилаётган) пайтда уни узиб рекламани кўрсатиш (эшиттириш) мумкин эмас.

Телевидение ва радио ходимларига ахборот ниқоби остида реклама билан шуғулланиш, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчининг реквизитларини, жойлашган манзилини, телефон рақамини, маҳсулотнинг тижорат белгиларини кўрсатиш тақиқланади.

Болалар даврасига (ўн тўрт ёшгача бўлганларга) мўлжалланган кўрсатувларда (эшиттиришларда) ижтимоий рекламали ахборотлардан бошқа рекламани аралаштиришга йўл қўйилмайди.

Аҳоли билан бўладиган учрашувларда босма оммавий ахборот воситаларидаги рекламанинг ҳажмига доир ҳам кўплаб саволлар кўтарилиб туради. Босма оммавий ахборот воситаларидаги рекламанинг ҳажмини шу оммавий ахборот воситаларининг ўзлари мустақил равишда белгилайди. Аммо, обуна бўйича тарқатиладиган босма воситалар обуна шартларида нашрнинг умумий ҳажмидаги реклама миқдорини кўрсатишлари шарт. Реклама йўсинидаги хабарлар ва материалларни бериб боришга ихтисослашмаган даврий босма нашрларда реклама даврий нашр бир сони ҳажмининг 40 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим, қолган реклама бепул илова тарзида берилиши керак.

Бугунги кунда телефон алоқасидан фойдаланилган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар рекламаси сони кун сайин оммалашмоқда. Аммо бундай рекламалар ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, милиция, тез тиббий ёрдам, ёнғиндан сақлаш ва шу каби хизматларнинг бепул хизмат кўрсатадиган телефон рақамларидан реклама тарқатиш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Реклама тарқатиш воситаларидан яна бири бу ташқи реклама бўлиб ҳисобланади. Ташқи рекламага алоҳида махсус мосламаларда, тахталавҳаларда, экранларда, биноларда, иншоотларда, йўл чеккаларида, кўча ёритгичларининг таянчлари ва бошқа жойларда жойлаштириладиган рекламалар киради. Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланади.

Ташқи рекламани кўча ёритгичларининг таянчларида ҳамда кўча ва йўллар қатнов қисми узра жойлаштириш йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига зид бўлмаслиги, йўл белгилари, светофорлар, чорраҳалар, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, умум фойдаланишдаги транспорт воситалари бекатларини тўсиб қўймаслиги шарт.

Транспорт воситаларида, шу жумладан, метрополитенда фақат уларнинг эгалари ёки мулкдорлари билан келишилган ҳолда ҳамда хавфсизлик талаблари ва йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ рекламалар жойлаштирилиши мумкин.

Ижтимоий бўлмаган рекламаларни умум фойдаланишдаги транспорт воситаларида, метрополитен бекатларида, вокзалларда, портлар ва аэропортларда йўловчиларга хабар берувчи овозли тармоқлар орқали тарқатиш тақиқланади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни йиллар давомида мамлакатимизда реклама бозорини тартибда солиб келмоқда. Бироқ шиддатли ривожланиб бораётган реклама бозори, янгича ёндашувлар бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этди.

Шу сабабли ушбу қонун жорий йилда "Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178[1]-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни билан такомиллаштирилди.

Жумладан, жорий йилнинг 18 сентябрь куни кучга кирган ушбу қонунда рекламани тақиқловчи ҳолатларга: ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш; маҳсулот давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганини кўрсатиш; иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шарти қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш; маҳсулотни товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиниши тақиқланган ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотнинг рекламаси кўринишида реклама қилиш тақиқланиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан олиб борилаётган серқирра ислоҳотларнинг том маъно-мақсади кучли ижтимоий ҳимояга, хусусан, аҳолини соғломлаштириш, болалар ва ўсмирлаш соғлиғини сақлаш, репродуктив саломатлик масалаларига йўналтирилган. Шу мақсадни кўзлаган "Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178[1]-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилиниши билан энг муҳими инсон саломатлиги учун хавфли бўлган тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоголли ичимликлар рекламаси тақиқланди.

Жумладан, тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш; тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкоголли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган тадбирларга ҳомийлик қилиш; тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш; савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналарда, ташқарига олиб чиқиладиган предметларда ҳамда бошқа жойларида тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг тасвирлари, номларини ва улар ҳақидаги бошқа ахборотни ўрнатиш кабиларга тақиқ қўйилди.

Айниқса, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Жумладан, реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва реклама тарқатувчи юридик шахслар нотўғри реклама бергани, аксилреклама беришдан бош тортгани, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилгани учун энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда; реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатида бажармагани, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмагани учун энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда; реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмагани ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этгани учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима жазолари белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ҳам реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган фуқаролар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилди.

Унга кўра фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмагани ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шунингдек, ваколатли давлат органининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмасини ўз муддатида бажармаганлик учун энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиниши, фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортганлик, худди шунингдек, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик учун эса энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши белгилаб қўйилди.

Реклама тайёрлаш ва тарқатиш жараёнида келиб чиқадиган низолар, шунингдек моддий ва маънавий зарарлар судларда фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибида ҳал этилади.

Бундай нормаларнинг киритилишидан мақсад ҳар қандай реклама инсон ҳуқуқларига, унинг саломатлигига, турмуш фаровонлигига зарар етказмаслиги зарур. Акс ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати

МАХСУС МАКТАБ ҲАЁТИДАН

КЎНГИЛ ИМКОНИЯТИ ЧЕКСИЗ

Бахтли яшамоқ учун қалбда улуғ мақсадлар бўлиши лозим, деганди машҳур адиблардан бири. Ҳар қандай вазиятда ҳам ана шу олий мақсадга эришиш ҳисси инсонни доимо юксак парвозларга чорлайди.

Тошкент шаҳридаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернати талабалари ҳаётнинг бебаҳо лаҳзаларидан унумли фойдаланиб, пухта билим олишга ҳаракат қиляпти.

Бу зиё масканида юртимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган 312 нафар ўқувчига 157 нафар малакали ўқитувчи-тарбиячилар турли фанлардан сабоқ беради. Мактаб қошидаги мактабгача тарбия бўлимида эса 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 18 нафар кичкинтой тарбияланади. Мактабда ўқиш жараёни ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқувчилар махсус дарслик ва адабиётлар, тўрт маҳал бепул овқат ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Улар 200 ўринли шинам ётоқхонада истиқомат қилишади.

— Ўқувчиларимизнинг жисмонан соғлом ва илмга чанқоқлигини кўриб дилим яйрайди. Улар дунёни эшитиш, ҳис ва тасаввур қилиш орқали теварак-атрофни англаш қобилиятига эгадирлар, — дейди биз билан суҳбатда мактаб-интернат директори Феруза Тожиева. — Илм масканимизнинг умумтаълим мактабларидан фарқли томони шундаки, бу ерда таҳсил олаётган ёшларни турли фанлар билан бир қаторда, атроф-муҳитга йўналтириш, кўриш, идрок этиш, тасаввурларини бойитиш, ривожлантириш, нутқини ўстириш учун махсус дарсликлар ҳам ташкил этганмиз. Улар машғулотлардан бўш пайтларида мусиқа, спорт, шахмат-шашка тўгаракларига ҳам фаол иштирок этади. Хусусан, мактаб қошидаги мусиқа тўгараги 17-сонли мусиқа мактаби билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиб, санъатга ошуфта ўқувчиларга қўшиқ айтиш, фортепьяно, рубоб, танбур, ғижжак, чанг чалиш сирларини пухта ўргатиб келмоқда. Болажонларимизнинг келгусида ўзи қизиқкан касб-ҳунарларини пухта эгаллашлари учун мураббийлар меҳнат дарсини тикувчилик, ошпазлик, устачилик тўгараклари билан боғлаб олиб боришади. Мақсадимиз, ўқишга ва касб эгаллашга иштиёқманд ёшларга ўз ўрнини топишда кўмаклашиш, уларни комил инсонлар қаторига қўшишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, ушбу таълим масканида таҳсил олаётган ҳар бир боланинг таълим-тарбияси алоҳида эътиборда эканлиги таҳсинга лойиқ. Масалан, нутқида нуқсони бор болалар логапед ва дифектолог ёрдамида бармоқ учи сезгисини ривожлантириш ва ҳис қилиш, ижтимоий-маиший йўналтириш дарслари билан ўқитилади. Шунинг учун иқтидорли ўқувчилар фан олимпиадалари ва спортнинг барча турларида иштирок этиб, нуфузли ўринларни қўлга киритмоқда. Хусусан, дзюдо йўналиши бўйича Ҳасан ва Ҳусан Абдиевлар халқаро миқёсда ўтказилган ногирон болалар ўртасидаги мусобақада 2-ўринни эгаллаган бўлса, спортнинг енгил атлетика тури бўйича Японияда бўлиб ўтган спорт мусобақасида Илҳом Чуйбеков, Дониёр Солиев, Саида Раимовалар фахрли ўринларни қўлга киритишди. Мактаб-интернатнинг мусиқачилардан иборат бадиий дастаси ҳар йили республика миқёсида бўлиб ўтадиган анъанавий тадбирларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

2008 йилда хориждан кўзи ожизларга мослаштирилган махсус компьютер ва Брайл машинкалари, катталаштириб кўрсатувчи ўқув мосламалари келтирилгани ёшлар учун замонавий технологиялардан сабоқ олиш, дунё янгликларидан хабардор бўлиш имкониятини яратди.

Марям АҲМЕДОВА

ФАОЛИЯТ

КОСОНСОЙЛИК ФЕРМЕРЛАР

Мана, қўни-қўнжини ноз-неъматларга, дуру гавҳарларга тўлдириб диёримиз бўйлаб кенг қулоч ёзган олтин куз ўз тароватини кўз-кўз қилмоқда. Ана шундай дамларда кенг дала-даштларни, боғроғларни айланишнинг гашти бўлакча-да. Полизлардан иштаҳани қитиқловчи хушбўй ҳид таралади. Пахта далаларига гўё каттакон оппоқ чойшаб ёйиб қўйилгандек...

Шу кунларда бобо деҳқонларимизга "Ҳорманг, хирмонга барака" дейиш ниятида Косонсой туманида бўлдик. Туман мутасаддиларининг тавсияси билан "Косонсой боғбонлари" номли агрофирма фаолияти билан танишишга ҳаракат қилдик.

— Ташкилотимиз 2006 йилда ташкил этилган, У ҳудудимиздаги 75 нафар фермернинг юмушини енгил қилмоқда, — дейди агрофирма раҳбари Анвархон Тўрахўжаев. — Фермер бўлишни, фаровон яшашни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз. Бироқ бу соҳанинг ўзига яраша мураккаб томонлари, машаққатларига чидай олган инсонгина унинг нонини ея олади.

Мазкур агрофирма мева-сабзавот экинларини етиштираётган фермерларнинг маҳсулотларини сотишга, зарур пайтда маҳаллий ва минерал ўғитлар, техника билан таъминлашга баҳоли қудрат кўмак бериб келаётган ташкилот ҳисобланади.

— Анвархон талабчан, тадбиркор йигит, — дейди фермер Умархон Маматов. — Етиштирган маҳсулотларимизни сотишни ташкил этишга қийналаётгандик. У кишининг ёрдами билан ишимиз анча енгиллашди.

Дарҳақиқат, она Ватанимизнинг бебаҳо тупроғи-ю, мўътадил обҳавоси туфайли бу ерда хилма-хил мевалар-у, сабзавотларни, қўйингки, барча табиат неъматларини етиштириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Буни косонсойликлар яхши билади. Далалардаги меваларни кўриб, таърифига қиёс йўқ, жаннатмонанд диёрда яшаётганингни юрак-юрагингдан ҳис қиласан киши.

— Пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам ишнинг кўзини биладиган миришкорларимиз кўп, — дейди тумандаги "Намуна" машина-трактор парки раҳбари Маъсудахон Шаропова. — Халқимизнинг турмуш фаровонлиги йўлида уларнинг ҳам озми-кўпми ҳиссалари бор. Ана шундай миришкорлардан бири "Сирож Ҳожи набиралари" фермер хўжалиги раҳбари Аъзамхон Мўйдиновдир. У берилган топшириқларни уддалашга сидқидилдан киришади ва режаларини ҳар йили ортиғи билан бажаради. У 38,5 гектар пахта, 24 гектар ғалла майдонларидан сифатли ҳосил йиғиб олмоқда.

— Бу йилги даромадимиздан техника олдим, иморат қурдим, — дейди Аъзамхон Мўйдинов. — Шунча йиллик тажрибамга асосланиб айтишим мумкинки, ерга меҳр берсангиз, астойдил меҳнат қилсангиз, у сизни ўз инъомлари билан сийлайди.

Ҳа, ҳар бир касбнинг ўзига хос завқли, айни пайтда машаққатли томонлари бўлади. Косонсойлик фермерларнинг муваффақиятлари замирида уларнинг бор меҳрларини деҳқончиликка бериб, қилаётган самарали меҳнатлари ётади, албатта. Шу билан бирга, уларнинг ўрнак олса арзигулик одамийликлари ҳам борки, ниятлари ўзларидай самимий. Шундан бўлса керак, Наманган вилоятида жойлашган Косонсой тумани ўзининг тоза ҳавоси-ю, хушманзара табиати, кўнгли очиқ кишилари билан бу гўшага ташриф буюрган барча меҳмонларни мафтун этади. Биз ҳам шундай гўзал диёрда умргузаронлик қилаётганимиздан, шундай меҳридарё инсонлар билан ҳамюрт эканимиздан кўнглимиз фахрларга тўлди.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист

МУЛОҲАЗА

ЖУРНАЛИСТ ОДОБИ

Ахлоқ-одоб меъёрларига амал қилмайдиган касбнинг ўзи йўқ. Лекин инсон онги-шуурига, жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилувчи журналистика соҳасида бу талаб алоҳида ўрин тутади. Инсон қалбига, унинг дунёқараши, хатти-ҳаракатига у ёки бу тарзда таъсир кўрсатувчи сўз асосий касбий қуроли бўлган журналист учун юриш-туришидан тортиб, ахборот тўплаши, уни таҳлил қилиши, муайян жанрга солиб, оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиши миллий ва умуминсоний қадриятларга, ахлоқ-одоб тамойилларига, амалдаги қонунларга оғишмай риоя этишни тақозо қилади. Чунки бир оғиз сўз кишига қанот бағишлаши ҳам, руҳиятини сўндириши ҳам мумкин.

Шу боис журналистнинг касбий одобига алоҳида талаблар қўйилади. Бу, биринчи навбатда, сўзни ишлатиш ва мавзуни очиб бериш маҳоратида кўринади. Сўз айтиш, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, фикр-хулосаларни ифодалаш одоби ижодкорнинг касбий етуклиги билан белгиланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, матбуот, умуман, оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ қилиш жадал ривожланди. Жаҳон демократик андозалари, миллий анъаналаримиз ва турмуш тарзимизга мос ўзбек миллий матбуоти, радио ҳамда телевидениеси тобора шаклланиб бормоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, журналистик фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Натижада юртимизда ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, таҳлил қилиш ҳамда тарқатиш имконияти пайдо бўлди.

Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ижодкор учун фаолият эркинлигини таъминловчи асосий омиллардир. Қонунларимизда журналистнинг ижодий жараёндаги масъулияти, мажбурияти ва жавобгарлиги ҳам белгилаб қўйилган. Бу ўз навбатида материалларнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириш, шу асосда холис, ҳаққоний, тўлақонли ахборот тайёрлашда катта ёрдам беради.

Камтарлик фазилати журналист учун, айниқса, муҳим. Касбни пеш қилиш, касбий манманлик ҳеч қачон маҳоратни ошириб бориш, ўқишли, ёзиш малакасини мукаммал эгаллаш омиллари бўла олмайди. Журналистнинг камтарлиги инсоний фазилатига, журналистик текширувлар чоғида ўзини тутиш, муомала маданиятига чатишиб кетишини тақозо этади. Ижодда маҳорат пиллапояларидан қанчалик кўтарилиб бормасин, журналист касбий камтарлигини йўқотмаслиги керак.

Журналист одобининг яна бир асосий кўриниши касбий фаолият мобайнида тўпланган ахборотлар, маълумотлар ва фактлардан ҳеч қачон шахсий ёки ўзи манфаатдор бўлаётган



муайян доиралар нафини кўзлаб фойдаланмасликдан иборат. Ноҳолислик ижодкорга обрў келтирмайди.

Касбий фаолиятининг моҳиятини тўлиқ идрок этмаган журналист ҳеч қачон ўзлигини, ҳуқуқлари, бурчлари, мажбуриятлари олдидаги масъулиятини мукаммал ҳис қила олмайди.

Бугунги журналист чин маънода эркин. Қонун билан белгиланган масалалардан ташқари барча мавзуларда у ўз ижодий салоҳиятини намоён этиши мумкин. Жамият, давлат қурилиши, иқтисодиёт, маънавий-маданий ҳаётнинг барча йўналишлари журналист учун тадқиқ ва ижод объекти бўлади. Лекин бу эркинлик асло бебошлик дегани эмас. Халқ ва жамият, Ватан хизматига бел боғлаган журналистнинг касбий одоби ҳеч қачон бебошликка, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймайди.

Демак, ижодий жараёнлардаги эркинлик муайян бурч ва жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради. Айни шу масаладаги уйғунлик журналист одобини белгиловчи ҳақиқий мезондир.

Афсуски, ўз ижодий фаолиятлари жараёнида мана шу уйғунлик шартларини унутиб қўядиган қаламкашлар ҳам учраб туради.

Яқинда бир ҳамкасбим шундай воқеани ҳикоя қилиб берди. Чекка туманлардан бирида «сўзи ўткир» журналист пайдо бўлиб қолибди. Катта-кичик амалдорлар унинг оғзига қараб, ҳар қандай истагини ижобат этишга тайёр туришар экан. У катта бир газетага танқидий мақола тайёрлаётгани билан таҳдид қилиб, мўмай-мўмай маблағ ундириб юраркан. Ҳамкасбим бундан хабар топиб, суриштириб кўрса, бор-йўғи ўша «журналист»нинг акаси... Тошкентдаги газеталардан бирида ишларкан, холос.

Бошқа бир мисол. Ижодий сафар чоғида бир мухбир кўзи тушган нохуш ҳолатларни айрим ходимларнинг ноқонуний ҳаракатларини ён дафтарига қайд этиб боравербди. Якуний суҳбат чоғида раҳбарларга шулар ҳақида танқидий чиқиш тайёрлажагини айтибди. Табиийки, маҳаллий раҳбарлар дарҳол унинг «кўнглини олиш» ҳаракатига тушиб қолишибди...

Демак, журналист бундай мураккаб шароитда ҳалол, ҳаққоний, холис бўлиб қолиши жуда катта касбий, фуқаролик фазилатларини намоён қила олиши керак. Ўз-ўзини «жиловлаш», бундай фазилатларга эришиш осонмас.

Журналист одобининг бошқа бир қирраси унинг оқиллиги, оддийлиги, адолатпарварлигида кўринади. Бозор муносабатлари шароитида одамлар, юридик шахслар ўртасида манфаатлар зиддияти кучайиши табиий ҳол. Тушунчалар хилма-хил, мақсадлар зид. Ҳар ким ўзича ҳақ. Таҳририятларга мурожаатлар кўп бўлади. Бундай ҳолатда фақат қонун устувор бўлсагина адолат қарор топади.

Бироқ суриштирув олиб бораётган журналист терговчи эмас. Терговчи барча ҳолатларни қонун моддаларига мувофиқ баҳолаб, хулоса чиқаради. Журналист олиб бораётган суриштирув жараёнидаги мураккаблик шундан иборатки, у кўпроқ масаланинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига, суриштирув объектининг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, шу асосда ўзининг муайян хулосаларини ҳам бир-бири билан муқояса қилишга эътиборни қаратади. Унда аслида бошқалар эътибор бермайдиган майда-чуйда ҳодисалар ҳамда муносабатларни ойдинлаштиришга интилади. Бунинг учун журналист турли тоифа одамлар фикрини ўрганади, қўшимча ҳужжатларни топиб, таҳлил қилади, уларни таққослайди.

Яна манфаат ва холислик хусусида. Ўз манфаати, ҳаловати доимо кўз ўнгида турган журналист асло холис бўла олмайди. Билим ва имон уйғун бўлмаса, ижодкор ўзи ўрганаётган муаммоларни, воқеа-ҳодисаларни қалбдан ўтказа олмаса, уларни чуқур ҳис этиб, ҳаяжонланмаса, изтиробга тушмаса, одил ва холисликка ўрин қолмайди.

Касбий одоб масаласи журналистикада ниҳоятда кенг қамровли тушунча. Ҳозирги демократик янгиланиш жараёнида реклама, тижорат мақолалар тайёрлаш, эркин ноширлик имкониятлари кенгайгани туфайли касбимизга, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари фаолиятига янада эътиборлироқ бўлиш тақозо этилади.

Демак, журналист одоби жуда кенг ижтимоий-сиёсий маънодаги касбий масала. Жамиятда кечаётган ҳолатларни эмин-эркин, холис, ҳаққонний ёритиш ижодкорнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ўткир муаммоларни илғаб олиш ва чуқур таҳлил қилиш қобилияти, қонунчилик асосларини билиши, ўзини шу азиз ва муқаддас юртнинг фарзанди, унинг олдида бурчли деб ҳис қилиши билан белгиланади. Ана шу фазилатлар ҳаётий нуқтаи назарига айланган ижодкор ҳар қандай ҳолатда ҳам халқига, бурчига, касбига садоқатли бўлиб қолаверади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

БАРКАМОЛ АВЛОД

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа учун юқори малакага эга журналист ва техник кадрларни тайёрлашга оид қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада бугун ўзбек журналистикаси жаҳон талабларига мос равишда тараққий этмоқда. Бу эса ўз-ўзидан замон билан ҳамнафас кадрларга эҳтиёж кўпайишидан дарак беради. Шу боис мамлакатимизда соҳа мутасаддилари томонидан ёш журналистларни профессионал даражада тайёрлаш, қолаверса, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва семинар-тренинг, илмий анжуманлар ўтказилиб келинмоқда.



МАҲОРАТ МАКТАБИ

Яқинда пойтахтимизда бошланган "Ёшлар учун ахборот дастурларини тайёрлашда тасвирга олиш ва видеомонтаж ишларининг замонавий услубларини қўллаш"га бағишланган семинар машғулоти шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, ЕХҲнинг юртимиздаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда ҳудудий нодавлат телестанциялар, NTT ва "TV Markaz" телеканалларининг ёшларга мўлжалланган ахборот ва янгиликлар дастурларини тайёрловчи журналистлари, телетасвирчи ва видеомонтаж усталари иштирок этмоқда.

Тадбир иштирокчилари расм ва тасвир таҳлилига эътибор қаратиб, монтажнинг асосий тушунчалари — давомийлик, ўтиш даври, ритм ва тасвирга тушириш тезлиги борасида назарий билимларини бойитиб, уни амалиётда қўллашни ўзлаштиришмоқда.

— Авваллари тасвирга туширилган ҳар қандай роликларни ўзим монтаж қилаверардим, — дейди самарқандлик ёш монтаж устаси Шавкат Жўраев. — Аммо семинар-тренинг давомида ўтказилаётган машғулотларда шу нарса аён бўлдики,бу ишнинг нафақат монтаж устаси, балки мухбир ҳамда тасвирчилар иштирокида бажарилиши кутилган самарани берар экан. Қолаверса, бугун биз тайёрлаган дастурларнинг сифати ҳам анча яхшиланишини ҳам билдик. Бундай эзгу ишлар анъанавий тарзда давом эттириб турилса, мен сингари ёшларга соҳага оид малакани эгаллаш имкониятлари янада кўпроқ бўлади, деб ўйлайман.

Шунингдек, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда нодавлат телерадиостанциялар фаолиятини давр талаби асосида ташкил этиш, ёш журналистлар, техник мутахассисларнинг касб малакаси ҳамда маҳоратини юксалтиришга оид қатор лойиҳа ва дастурларни амалга ошираётгани аҳамиятга молиқдир. Натижада ёшларимиз хорижлик соҳа мутахассислари билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишаяпти.

— Тележурналистларнинг касб маҳоратини муттасил ошириб бориши катта аҳамиятга эга,

— дейди Париж университетининг медиа-тренинг ва рақамли телевизион жиҳозлар бўйича ўқитувчиси, телережиссёр ва оператор Саймон Росс. — Шу маънода мазкур ўқув семинари ёш телемухбирлар, операторлар, видеомонтаж усталарида ягона ижодий жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг билимини кенгайтириш ва ёшларга мўлжалланган информацион дастурларнинг савиясини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўн кун давом этадиган мазкур семинарда ахборот ва янгиликлар дастурини тайёрлаш бўйича жаҳон тажрибаси таҳлил этилади, турли жанрлар ва йўналишлар бўйича телематериаллар тайёрланади.

Ўзига хос ушбу анжуман иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Семинар машғулотлари 9 октябргача давом этади.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

ОДАМИЙЛИК

ФАЗИЛАТ ВА ҚУСУРАТ

Инсон оламининг сир-синоатларини ўз ақл-заковати ила тафтиш қилишга қодир. Аммо шуурга сиғдира олмайдиган ўлчамлар ҳам мавжудки, уларни ҳамон ўрганишда давом этаётир. У доим "Нега?", "Нима учун?" — деган саволларга жавоб излайди. Ана шундай жумбоқлардан бири — одамийлик олами асрорларидир.

Донишмандларнинг таъкидлашларича, одамийлик оламини ўрганишда икки нарсага эътибор қаратиш лозим. Биринчиси — фазилат, иккинчиси — қусурат. Ҳар иккаласида ҳам кўнгил шамойили тадқиқот марказида туради. Негаки, кўзга кўринмас бу хилқат ниҳоятда қудратли кучга эга. Шунинг учун бирор фикр билдиришда сўз имкониятларидан тўғри ва эҳтиёткорлик билан фойдаланмоқ керак. Гапни ўз ўрнида билиб сўзламоқ ҳам фазилат ҳисобланади. Сўз ҳақида қиличдан кескир, вулқондан қудратлироқ бўлади.

Хўш, одам одамдан нимаси билан фарқ қилади? Биологик ёки физиологик жиҳатдан тафовут тезда кўзга ташланади: биров — дароз, бири — оз-ғин, бошқаси — бақалоқ, яна бири — пакана. Улар ўртасидаги фарқ қилувчи унсурларни англаб етиш бироз мушкулроққа ўхшайди. Чунки кўнгил истаги ҳар кимда ҳар хил.

Демак, икки хусусиятнинг беаёв кураши одамийлик олами сирини очиб беришга хизмат қилади. Қусуратдан қутулмоқ йўлини топишга уриниб туриш керак.

Маърифатнинг ойдин йўллари хушхулқли бўлишни талаб этади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, билим ҳамиша тўғри йўлни кўрсатиб берувчи маёқдир. Алал-оқибат бундай эзгу ҳаракатлар омухтаси одамни шахс мақомига етаклайди.

Ҳаётни ҳаракатлар мажмуи, деб таърифлашади баъзи олимлар. Бундай тадқиқотни одамийлик оламига нисбатан қўлласа ҳам бўлади. Чунки дунёқарашини муттасил бойитиб бормаган, адаб тарбиясини мутлақо ўзлаштириб олдим деб ўзгалардан ибрат олмай юрган одам борки, хатога йўл қўймоғи аниқ. Буни файласуф таъбири билан айтсак:

Ҳаётдан олмаса ибрат,
у кўз — кўр,
Асалда бўлмаса ширинлик,
у — шўр.
Ўзгариб турмаса,
либос кафандир,
Ўзгариш бўлмаган хона —
қора гўр.

Аслида одамийлик олами тузилиши жиҳатидан ўта мураккаб. Уни обдон ўрганишга ақлу заковатдан ташқари кишидан қунт ва чидам каби хислатларга эга бўлиш ҳам талаб этилади. Модомики ҳаётда ўз ўрнини топмоқчи бўлганлар аввало фазилат ва қусурат чегараларини аниқлаб олишлари зарур. Бу сатрларни ёзмоқдан мақсад не? Гап шундаки, юқоридаги каби инсонлар йиғилиб халқ бўлади, миллат бўлади.

Ҳаракатсиз халқ эса йўқликка маҳкум. Қадимда не-не салтанатлар тузиб, дунёни ларзага солган кўп элатлар яшаб ўтишган. Уларнинг айримлари бутунлай йўқ бўлиб кетди. Масалан, латинлар, скифлар, тархонлар... Нега? Чунки уларда руҳни қувватлантирувчи куч — маънавият бус-бутунлигича шаклланмаган эди. Маънавиятли халқ эса улкан бунёдкорлик чўққиларини забт этади.

Тўғри, ҳар бир одам орзу-ҳавас билан яшайди. Нимани ният қилган бўлса, шунга эришишни истайди. Аммо шахсий манфаат йўлида хаёлга келган ҳавасни рўёбга чиқариш учун уриниш ҳам бемаъниликдан бошқа нарса эмас. Бошқача айтганда, қусуратга учраш эҳтимоли жуда юқори. Негаки бундай ҳаракатлар умум манфаатига тўғри келмаслиги мумкин. Унинг яна бир хавфли томони шундаки, тарафкашлар кўпайиб, жамиятнинг изчил тараққиётини издан чиқаради. Сўнгги манзил — ҳалокат. Шунинг учун ҳам қусуратдан холис бўлиб, фазилатга эришишга интилиш одамийликка киради.

Табиатда биз ибрат оладиган мавжудотлар жуда кўп. Масалан, чумолилар гуруҳи ҳаракатланганда ўзидан минг маротаба улкан филни йиқитади. Демак, жамият олдимизга қўйган муайян вазифани халқ бўлиб бирлашгандагина рўёбга чиқариш мумкин. Бунда дил уйғоқлиги одамнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида намоён бўлади.

Мирзо Бедилнинг фикрича, руҳ ҳам яшайди. Унинг яшовчанлиги одамийликнинг тобора юксалиб боришига боғлиқ. Шоир бир ўринда шундай дейди:

Дев-жин найрангига
тўлмишдир жаҳон,
Ҳис ва ҳаракат-ла
қилдик имтиҳон.
Кўрқувдан туғилмиш
ажина, пари,
Ваҳимадан таркиб топмишдир
инсон.

Файласуф олим юқоридаги рубоийсида қусурат ҳақида сўз юритаётир. Бу — жуда муҳим тадқиқот. Аввало шуни айтиш лозимки, руҳият оламида беаёв кураш мавжуд. Болаликда кўп эртак эшитганмиз. Бобо-момоларимиз дев, жин, алвасти, иблис, шайтон ва аллақандай шарпалар ҳақида кўп гапириб беришган. Буларнинг барчаси болаларни кўрқитиш учун ўйлаб топилган нарсалар дейишингиз мумкин. Аммо ҳаётга зийрак кўз билан назар солсак, бу гаплар уйдирма эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Яхшилик, мурувватпешалик, кечиримлилик, бағрикенглик, қадриятларимизни юксак мақомда тутиш, эзгу амалларга содиқлик, меҳрибонлик каби фазилатларни ёвузлик, жоҳиллик, ҳасадгўйлик, таъмагирлик, иғвогарлик, дунёни қизғаниш сингари қусуратдан афзал билиш, доимо яхши ниятда яшаш зарур.

Муродулла ҒАФУРОВ,
журналист

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МЕТРО ИШЧИЛАРИ НОРОЗИ

Кеча Лондон метроси ишчи-хизматчилари иш ташлаш эълон қилишди.

Улар раҳбариятнинг ер ости йўлларидаги кассаларни камайтириш тўғрисидаги қарорига шундай жавоб қайтаришди. Кассалар камайтириладиган бўлса 800 ишчи ишсиз қолади.



Иш ташлаш туфайли шаҳарнинг 3,5 миллион аҳолиси ўз хизмат жойларига кечикиб боришга мажбур бўлди. Кўчаларда одамлар автобус ва таксиларга сиғмай кетди. Касаба уюшмалари консерваторлар ва либерал-демократлар коалициясидан ташкил топган ҳукуматни нооммавий йўл билан давлат харажатларини қоплашда айблади.

Бу иш ташлаш 7 сентябдаги иш ташлашнинг давоми эди. Метро хизматчилари жорий йилнинг 2 ва 28 ноябрида ҳам иш ташлаш ўтказишни режалаштирган. Ҳукумат вакилларининг айтишларича ҳар бир иш ташлаш хазинага 48 миллион фунт стерлинг зарар етказяпти.

Лондон метроси дунёдаги энг қадимий ер ости йўлларидан бири ҳисобланади. Унда ҳар куни ўртача 3,5-4 миллион йўловчи ташилади.

ОКИНАВАДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

Японияннинг Тинч океани қирғоқларида кучли зилзила рўй берди.

Reuters хабарида айтилишича, зилзила маркази Окинава архипелагидан 113 километр узоқликда жойлашган. Зилзила марказида ер силкиниши 6,4 баллни ташкил этди. АҚШ геология хизмати вакиллари эса зилзила кучи 6,3 баллга тенг бўлгани ҳақида хабар беришди.

Ҳозирча вайроналар ва қурбонлар ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ. Сейсмологлар 6 баллдан юқори бўлган ер қимирлаш пайтида вайроналар рўй бериши мумкинлигини билдиришмоқда.

ТЎХТАТИШ МОСЛАМАСИНИНГ НОСОЗЛИГИ ТУФАЙЛИ

BMW концерни ишлаб чиқарган 198 минг дона автомобилини тормоз гидроусилител мосламасидаги носозлик туфайли қайтариб олиши мумкин.

Концерн вакилининг Bloomberg агентлиги мухбирига берган интервьюсида айтилишича, носозлик 2002 йилдан 2010 йилгача ишлаб чиқарилган ва V8 ҳамда V12 моторлари билан жиҳозланган BMW 5-серия, 6-серия, 7-серия ҳамда Rolls-Royce Phantom русумли автомобилларда учраши мумкин.

Компания раҳбариятининг АҚШ йўл ҳаракати хавфсизлиги миллий маъмуриятига ёзган расмий хатида айтилишича, бу автомобилларда тормоз мойи тўкилиб кетиши ва натижада автомобилни тўхтатиш қийинлашиши мумкин.

Яқин кунлар ичида авто ишлаб чиқарувчилар носоз машина эгаларига қайси хизмат кўрсатиш компаниясига бориб машинасини тузатиб олиши мумкинлиги ҳақида хабар беради.

КАСАЛЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Росистеъмолназорат кейинги пайтларда мамлакатда одамлар ўртасида қутуриш касалига йўлиқаётганлар сони икки баравар ошганини ташвиш билан маълум қилди.



Ташкилот томонидан тарқатилган матбуот хабарида айтилишича, жорий йилнинг 8 ойида мамлакат бўйича 11 нафар киши шу касаллик қурбонига айланган. Ўтган йилнинг шу даврида эса бундай касаллар сони бор-йўғи 6 нафар эди.

Жорий йилда Нижегород вилоятида икки киши, Астраханда уч киши, шунингдек, Қалмиқия, Доғистон республикаларида, Самара, Ульяновск, Челябинск вилоятларида, Еврей автоном вилоятида бир киши шу касалликка чилинган.

Тиббиёт ходимларининг таъкидлашларича, одамларнинг қутуришига профилактикага амал қилмаслик сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

ИНФЕКЦИЯ САБАБ БЎЛДИ

Associated Press хабарига қараганда Деҳли ҳайвонот боғида 32 бош бурама шохли кийик ҳалок бўлган. Текширишлар натижасида, ҳайвонлар ичагига инфекция тушгани маълум бўлди.

Ҳайвонот боғи ветеринарларининг таъкидлашларича, кўп миқдорда ёмғир ёғиши туфайли канализация қувурларига оқова сув келиб тушган ва бундан истеъмол қилган кийиклар заҳарланган.

Агентлик мухбирининг ёзишича, оқова сувдан кийиклардан ташқари бошқа ҳайвонлар ҳам заҳарланишган. Масалан, икки каркидон ҳам ҳозир оғир аҳволда.

Деҳли ҳайвонот боғи 1959 йилдан буён фаолият кўрсатади. Унда икки мингга яқин турли жониворлар парвариш қилинади. Шунингдек, бу ерда икки юз турдаги дарахтлар ҳам ўстирилмоқда.

ШАРҲ

Бемаънилик қурбонлари

Жорий йилнинг сентябри америкаликлар хотирасида ўз даҳшатлари билан сақланиб қолиши турган гап. Чунки дунё матбуоти шу кунлари мамлакатнинг қаеридадир кунаро отишмалар рўй бериб турганини мунтазам шарҳлаб борди.



9 сентябрь куни Филадельфиядаги Kraft Foods заводининг собиқ ишчиси Ивонн Хиллер машинаси билан корхона деворларини бузиб ичкарига кирди ва қўлидаги тўппонча билан собиқ касбдошларига қарата ўқ ота бошлади. Полиция вакиллари етиб келгунча аламзада аёл икки ҳамкасбини ўлдиришга улгурганди. Кейин эса ўзини отди. Маълум бўлишича, жиноятчи ишдан бўшатилганига чидай олмай шундан жаҳолатли йўлни танлаган экан.

❋ Орадан учун кун ўтгач АҚШ газеталарида бундан ҳам даҳшатли жиноят ҳақидаги хабар пайдо бўлди. Кентукки штатидаги шаҳарчалардан бирида яшайдиган 47 ёшли Стенли Нис эрталаб ишга кетишидан олдин хотини, қизи икки қўшнисини отиб ўлдирди. Кейин эса ўз жонига қасд қилди. Воқеа гувоҳларининг айтишича, хотини тухумни чала қовурганидан Ниснинг жаҳли чиққан ва аламини бегуноҳ одамлардан олган.

❋ Мэриленд штатининг Балтимор шаҳридаги Жон Хопкинс номидаги касалхонада янада ҳайратланарли фожиа юз берди. Пол Уоррен Пардус онасини даволаётган врачдан беморнинг аҳволини суриштирди. Онасига қўйилган ташхисдан ўзини йўқотиб қўйган Пардус чўнтагидан тўппонча олиб врачни отиб ташлади ва палаталардан бирига кириб яширинди. Полиция воқеа жойига етиб келганда эса таслим бўлишдан бош тортиб ўзини ўлдирди.

❋ Ойнинг иккинчи ярмида юқоридагилардан ҳам даҳшатли воқеалар рўй берди. 21 сентябрь куни Орегон штатида навбатдаги жиноят содир этилди. Жанкш-Сити шаҳарчасининг чекка худудидан икки нафар қизалоқ ва бир эркакнинг мурдаси топилди. Полиция вакиллари олиб борган текширувдан маълум бўлишича, ота аввал икки қизини отган, кейин ўзининг жонига қасд қилган.

❋ Орадан бир ҳафта ўтгач яна худди шундай фожиа юз берди. Фақат воқеа жойи бу сафар Флорида штатининг Ривьера-Бич шаҳарчасига кўчди. 41 ёшли Патрик Делл турмуш ўртоғини, хотининнинг бошқа эрларидан туғилган тўрт фарзандини бир неча дақиқа ичида отиб ташлади. Ўзининг икки фарзандини эса тирик қолдирди. Полиция вакиллари етиб келганда у қаршилик кўрсатишга уринди. Лекин ҳаракатлари зое кетишини англагач ўзини ўлдирди.

❋ 23 сентябрь куни полицияга Americold Logistics компаниясига қарашли корхоналардан бирида отишма бўлаётгани тўғрисида хабар келди. Воқеа жойига етиб борган полициячилар Элизебет Канасни жони узилган ҳолда топишди. Тергов пайтида жиноят тафсилоти бироз ойдинлашгандек бўлди. Омборда ишловчи эркак ва аёл нимагадир келишмай қолишган. Шунда Канас шериги Акуча Кашуалага қарата ўқ отган. Кейин унинг ёнидаги дугоналарига ҳам ўқ узган. Охирида эса ўзини ўлдирган. Оғир жароҳат олган бўлса-да, бахтли тасодиф туфайли аёлларнинг ҳеч бири ўлмади. Канас эса ҳаётдан кўз юмди. Энди уларнинг можаросига нима сабаб бўлганини аниқлаш полициядга анча қийин кечиши аниқ.

❋ Комбоджадан келиб Сиэтлда яшаётган оилада рўй берган фожиа эса бутун шаҳар аҳлини даҳшатга солди. Ақли хаста кампир қўлига иккита тўппонча олганча хонама-хона юриб ичкарида ўтирганларга қарата ўқ ота бошлади. Шу йўл билан 60 ёшли Сароен Фан икки неварасини, шунингдек, куёвини ўлдириб қўйди. Қизи эса оғир жароҳатланди. Бу фожиа ҳам бошқалари каби тугади. Кампир нима қилиб қўйганини тушунгач, ўзини отиб ўлдирди.

❋ Сентябрь тугашига икки кун қолганда АҚШдаги энг обрўли олий ўқув юртларидан бири Техас университетининг талабаси Колтон Тули Калашников автоматидан ўқув хонасини ўққа тутди. Кейин эса ўқни ўзидан ҳам аямади.

Булар АҚШда бир ой давомида рўй берган фожиали воқеаларнинг бир қисми холос. Афсуски, бундай воқеалар мамлакатда йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Нега бундай бўлаяпти? Нима учун одамлар бир-бирини бемалол отиб ташлаяпти? Иллатнинг илдизини қаердан излаш лозим? деган саволларнинг туғилиши табиий.

Эътибор берган бўлсангиз, деярли барча жиноятларни битта нарса бирлаштириб туради: жиноятчи бирон жиддий сабабсиз бир неча кишини ўлдиради ва кейин ўз жонига қасд қилади. Барча фожиаларнинг илдизи ҳам бир хил: оилавий жанжаллар, иқтисодий қийинчиликлар ва ишдаги можаролар.

Аслида бундай муаммолар ғарбдаги кўплаб давлатларда ҳам учрайди. Лекин негадир АҚШда оммавий одам ўлдириш бошқа давлатларга қараганда жуда кўп учрайди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бунга биринчи навбатда қуролнинг очиқдан-очиқ сотилиши сабаб бўлмоқда. Мамлакатдаги зиёлилар, турли партиялар вакиллари қурол сотишни чегаралаш вақти етганини айтишмоқда. Аммо маълум кучлар, аввало, қурол-яроғ ишлаб чиқарувчилар эркинлик, демократияни рўкач қилиб бунга қаршилик қилиб келишмоқда. Оқибатда эса ҳар йили юзлаб, минглаб бегуноҳ одамлар мақсадсиз отишмаларнинг қурбонига айланишаяпти.

НАТО КАРВОНИГА ҲУЖУМ

Покистонда НАТОнинг транспорт карвонига ҳужум уюштирилди.

"Интерфакс" хабарида айтилишича, воқеа мамлакат жанубидаги Шикарпур шаҳри яқинида рўй берган. Ҳужум натижасида Афғонистондаги коалицион кучларга олиб келинаётган 27 автоцистерна ёнилғи ёниб кетган.

Манбада қайд этилишича, шаҳар яқинида дам олиш учун тўхтаган машиналар колоннасига 10 нафар қуролланган жангари ҳужум қилган. Улар автоцистерналарни портлатишдан олдин ҳайдовчилар ва уларни кузатиб келаётган ҳарбийларни қувишган. Шу боис ҳеч ким жиддий зарар кўрмаган. Ёнғин эса бир неча соат давом этган.

Полициянинг таъкидлашича, автоцистерналар Карачи портидан Кветта шаҳри томон олиб борилаётганди, кейин Афғонистонга юборилиши кутилаётганди. Қайд этиш жоизки, Афғонистонга олиб келинаётган ёнилғи, ҳарбий техника запас қисмларининг 80 фоизи Покистондаги портлар орқали ташиляпти.

ИЖАРАГА ОЛИНГАН ПАНДА ЎЛИБ ҚОЛДИ

Японияннинг Кобэ шаҳридаги ҳайвонот боғи маъмурияти Хитойга 500 минг доллар товон пули тўлайдиган бўлди.

«Иомиури» газетасининг ёзишича, ҳайвонот боғида Хитойдан ижарага олиб келинган панда ўлиб қолган.

Хитойдан келган ветеринарлар японияник ҳамкасблари билан ҳамкорликда ноёб ҳайвоннинг ўлими сабабларини ўрганишди. Маълум бўлишича, пандадан сунъий уруғ олиш учун унга кўп миқдорда наркоз берилган. Натижада у ўлиб қолган. Комиссия ҳайвоннинг ўлимига ҳайвонот боғи ходимлари билвосита айбдор ва улар 500 минг доллар товон пули тўлаши лозим, деган хулосага келди.

Ўн тўрт ёшли Коу-Коу лақабли панда 2000 йилда Японияга олиб келинган ва унинг ўлимидан бир неча кун олдин ижара муддати 2015 йилгача узайтирилган эди.

ЎН БИР ДАҚИҚАЛИК ПАРВОЗ

Буюк Британиянинг British Airways компаниясига қарашли Boeing 747 самолёти Лондоннинг Heathrow аэропортидан Нью-Йоркка парвоз қилгандан сўнг 11 дақиқа ўтгач яна шу аэропортга қайтиб қўнишга мажбур бўлди.

Экипаж аъзолари эшиклардан бири герметик тарзда ёпилмаганини билгач шундай қарор қабул қилган.

Самолёт ерга тушгач текшириб кўрилганда эшик яхши ёпилгани, лекин уни ёпилганини кўрсатадиган аппаратлардан бири ишдан чиққани маълум бўлди.

РИА "Новости" хабарида айтилишича, йўловчилар бошқа самолётда манзилига жўнатилган.

ПОЕЗДЛАР ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

Норвегия ва Швеция чегарасида Скоттеруд посёлкасида йўловчи поезднинг тепловози ва дастлабки икки вагони рельсдан чиқиб кетган.

ДАРАКЛАР

Стокгольм полициясидан олинган маълумотларга асосланиб, АР тарқатган хабарда айтилишича, икки нафар йўловчи жиддий тан жароҳати олган. Поездда 300 нафар йўловчи бўлган. Ҳозир ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Индонезиянинг Ява оролида бир йўла икки поезд ҳалокатга учради. Аввалига Марказий Ява музофотидаги Пелеманг шаҳри яқинида Субарю шаҳрига йўл олган поезд Семаранг шаҳрига кетаётган поезднинг орқасидан келиб урилган. Натижада сўнгги учта вагон жиддий шикастланган. Хабарларга қараганда, 43 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган. Врачлар ҳалок бўлганлар сони кўпайиши мумкинлигини билдиришмоқда. Чунки касалхоналарга келтирилаётган беморларнинг кўпчилиги оғир аҳволди.

Орадан уч соат ўтгач Сурабаю шаҳрига кетаётган тезюрар поезд Соло шаҳрида йўлда турган бошқа бир йўловчи поездга келиб урилган. Бу ҳалокат оқибатида бир киши ҳалок бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, Индонезияда темир йўл тизимининг эскириши туфайли кейинги йилларда тез-тез шундай ҳалокатлар содир бўлмоқда .

СОБИҚ БОШЛИҚ ҚАМОҚДА

Перу махсус хизматининг собиқ бошлиғи Владимиро Монтесинос мамлакатга Альберто Фухимори раҳбарлик қилган даврда гуноҳсиз одамларни ўлдиргани ва йўқ қилгани учун 25 йилга озодликдан маҳрум этилди. Суд ҳукми билан яна 20 нафар ҳарбий 15 йилдан 25 йилгача қамоқ жазосига тортилди.

Владимиро Монтесинос ўн йил мамлакат махсус хизматига раҳбарлик қилди. У президент Фухиморининг яқин сафдоши эди. 2000 йилда Монтесинос муҳолифатдаги депутатни сотиб олмоқчи бўлган кадр бутун дунё телеканалларида кўрсатилди. Шундан сўнг Перуда катта жанжал бошланди. Натижада Фухимори ҳокимиятдан четлатилди. Монтесинос эса Перудан қочиб кетди. Янги ҳукумат уни ушлаган одамга 5 миллион доллар мукофот ваъда қилди. 2001 йилда у Венесуэлада қўлга олинди.

2002 йилда у суд томонидан айбдор деб топилиб, 9 йилга озодликдан маҳрум этиш ва 2,8 миллион доллар жарима тўлаш жазосига маҳкум этилган эди. Энди эса бошқа айблари учун 25 йил қамоқда ўтирадиган бўлди.

Перу қонунларига биноан аввалги жазолар кейингисига қўшилмайди, жиноятчи энг кўп жазони ўтагандан сўнг озодликка чиқади.

ҒАРОЙИБ РЕКОРД

Жорий йилнинг 7 март куни Ирокда парламент сайлови бўлиб ўтган эди. Лекин ҳукуматдаги тўртта ўрин ҳамон бўш турибди.

BBC News хабарида айтилишича, бу ҳукумат тузишга кетган вақт бўйича рекорд ҳисобланади. Ушбу рекорд шу пайтгача Голландияга тегишли эди. 1977 йили мамлакатда янги ҳукумат тузиш учун 208 кун керак бўлган.

Ирокда ҳукумат тузишнинг кечикишига сайловда ҳеч бир партиянинг кўп овоз ола олмагани сабаб бўлмоқда. 1 октябрь куни "Миллий альянс" Нури ал Маликий номзодини бош вазирликка тасдиқлади, аммо унинг номзодини тўлиқ қўллаб-қувватлашга тўртта овоз етмади.

Март ойида бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра собиқ бош вазир Ияд Алавий блоки ғолиб чиққан эди. Кейинроқ амалдаги бош вазирнинг "Қонун давлати" альянси бюллетенларни қайтадан санашни талаб қилди. Марказий сайлов комиссияси эса ҳамма бюллетенларни эмас, айримларини қайта санаб чиқди. Лекин шунга ҳам уч ойга яқин вақт кетди.

FARCГА ЁРДАМ БЕРГАНИ УЧУН

Испания полицияси Колумбия инқилобий қуролли кучлари — FARCни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда гумон қилинаётган 41 нафар кишини қамоққа олди.

Испания полициясининг 250 нафар ходими иштирок этган амалиёт чоғида Эквадор ва Колумбия махсус хизматлари вакиллари ҳам қатнашишди. Бу ҳақда El Mundo газетаси сайтида хабар босилди.

Хабарда айтилишича, қўлга тушганлар гиёҳванд моддалар савдосидан тушган 200 миллион еврони FARC ҳисобига ўтказишган.

Испания полицияси вакили амалиётнинг муваффақиятли ўтишига 2008 йилда қўлга олинган Мария Альбертдан олинган маълумотлар катта ёрдам берганини таъкидлади. 57 ёшли бу аёл узоқ йиллар FARCнинг Испаниядаги ячейкаси раҳбари бўлган ва 2008 йилнинг март ойида йўқ қилинган Колумбия жангариларининг йўлбошчиси Раул Ройес билан доимий ҳамкорлик қилган.

Ҳозир Мария Альберт озодликда.

ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ ИКРА

Россиянинг Приморье ўлкасидаги Большекаменск балиқ заводида ишлаб чиқарилган катта партиядаги қизил икра истеъмолга яроқсиз, деб топилди.

Ўлка ҳуқуқ-тартибот идоралари истеъмолга яроқсиз икра мамлакат марказига жўнатилаётгани ҳақида Росқишлоқназорат идорасига хабар беришгач, назоратчилар тезлик билан бориб заводни текширишди.

Натижада ҳақиқатан ҳам завод томонидан Нижний Новгород вилоятига жўнатилиши режалаштирилган 13,5 тонна сифатсиз икра мавжудлиги маълум бўлди. Маҳсулот сотувдан олинди. Завод раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарлик бўйича иш очилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛАДИ

"Агробанк" ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси филиалларида

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгиланиш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўллари белгилаб берилган.

Ўтган 9 ой давомида «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси филиалларида ҳам аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, нарх-навони пасайтириш ҳамда мижозларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида аниқ белгиланган стратегик дастур асосида фаолият олиб борилди.

Жорий йилнинг 8 ойи давомида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1116 та тадбиркорлик субъектларига 12,1 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Мижозлар томонидан кредитлар мақсадли ва самарали фойдаланилгани натижасида 2098 та янги ишчи ўрни яратилди. 3,63 миллиард сўм миқдоридаги маҳсулот ишлаб чиқарилишига ва хизматлар кўрсатилишига эришилди.

Филиаллар томонидан Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида 6,1 миллиард сўм, шунингдек, "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбарлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланадиган аёлларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 3,9 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди.



Вилоятнинг аграр соҳасини ривожлантиришда бошқарма филиаллари томонидан 2010 йилда қатор чора-тадбирлар, соҳага оид дастурларда белгиланган вазифалар амалга оширилди.

Хусусан, "Баркамол авлод Давлат дастурининг ижросини таъминлаш учун 9,9 миллиард сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга 18,6 миллиард сўм, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун чорва моллари сонини ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга ҳамда паррандачиликни ривожлантириш учун 1,4 миллиард сўм, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 1,8 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ҳамда касаначилик фаолиятини ривожлантириш мақсадларига 1,4 миллиард сўм кредит ажратилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари вилоят аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нарх-навони пасайтиришга қаратилган 11,8 млрд. сўмлик 112 та лойиҳани молиялаштириш ишлари амалга оширилмоқда.



Мисол учун "Агробанк" ОАТБ Тошкент вилояти Чиноз филиали мижози бўлган "Оловиддин" фермер хўжалигига чорвачиликни ривожлантириши учун 10 млн. сўм кредит ажратилди. Бунинг натижаси ўлароқ 5 та янги ишчи ўрни яратилди. Хўжалик томонидан ишлаб чиқилган бизнес режага мувофиқ 2010 йилда аҳолига 13,6 млн. сўмлик гўшт маҳсулотлари етказиб берилиши кўзда тутилган.

Банкнинг Янгибозор филиали томонидан "Зулайҳо Ж.А." хусусий ишлаб чиқариш корхонасига ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириши учун 65 млн. сўм кредит берилди. Натижада 15 та янги ишчи ўрни ташкил қилинди. Корхона томонидан тақдим этилган бизнес режага асосан 2010 йилда 132 млн. сўмлик махсар ҳамда 125,8 млн. сўмлик кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Паррандачиликни ривожлантириш учун молиявий муассасанинг Зафар филиали томонидан "Муҳаммаджон-Улуғбек-Файз" деҳқон хўжалигига 25 млн. сўм миқдорида молиявий кўмак берилди. Пировардида 7 та янги ишчи ўрни ташкил қилинди. Корхона тақдим қилган бизнес режага асосан 2010 йилда 96,5 млн. сўмлик, 2011 йилда 107 млн. сўмлик, 2012 йилда 1175 млн. сўмлик тухум етиштириш кўзда тутилган.

"Агробанк" ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси ва филиаллари ҳукуматимиз томонидан мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасида белгиланган вазифаларни бажара бориб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ҳамда иқтисодиётнинг аграр сектори корхоналарига кредит бериш, уларни молиялаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва қулайлигини оширишга йўналтирилган узоқ муддатли банк сиёсатини шакллантириш, шунингдек, аҳолига ҳамда қишлоқ жойлардаги тадбиркорларга кенг қўламли банк ҳамда консалтинг хизматларини кўрсатиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада ошиши учун бор куч-ғайратини сафарбар этишни мақсад қилгани таҳсинга сазовор.

Ислом СУЛТОНОВ,
«Hurriyat» мухбири ®

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Дунёда шундай касб эгалари борки, улар эл-юрт хизматида туриш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қиладилар. Ана шундай ўз касбига фидойи инсонлардан бири тиббиёт фанлари доктори, профессор Сайфулла Абдуллаевдир. Бу инсон ҳақида гап кетганда, барча бирдек изланувчан, қўли енгил шифокор дея таъриф беришади. У бутун умрини, исътедодини эл саломатлиги муҳофазасига бағишлаган инсон.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида таваллуд топган Сайфулла Абдуллаевнинг болалик йиллари иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги оғир йилларга тўғри келди. Қанчалик қийин бўлмасин, бор куч-ғайратини ўқишга, ўзи севган шифокорлик касбини эгаллашга сарфлади. Интилганга тоғле ёр деганлари шу бўлса керак, мактабни битириб, дастлаб Самарқанддаги тиббиёт институти қошидаги тайёрлов курсида ўқиди, имтиҳонлардан муваффақияли ўтиб, талаба бўлиш бахтига ҳам муяссар бўлди.

Институтда жарроҳлик йўналиши бўйича илмий тўгаракларда фаол иштирок этди. Бўлажак олимнинг интилувчанлиги ва фикри теранлиги тўгарак раҳбарларининг, кейинроқ тажрибали жарроҳларнинг ҳам эътиборини тортди. Ҳатто унга жарроҳлик операцияларида иштирок этиши учун рухсат беришди. Сайфулла энди ўзининг бўлажак соҳаси сир-синоатларини мукаммал ўрганишига киришди.

Назария билан амалиёт бир хил бўлмас экан. Барча жарроҳлик жараёнлари ҳам худди китобларда ёзилганидек мукаммал шарт-шароитларда кечмаслиги аниқ. Фавқулодда ҳолатларда беморларнинг жонини сақлаб қолиш учун турли хил вазиятларда жарроҳлик ишларини амалга оширишга тўғри келади. Бундай синовларни бошидан кўп марта кечирган Сайфулланинг орттирган билим ва малакалари, шунингдек, институтни имтиёзли диплом билан тугатгани қўл келиб, устозлари уни институтнинг ўзида ишлаши учун имконият яратиб бердилар.

Сайфулла Абдуллаев узоқ йиллар Самарқанд давлат тиббиёт институтининг госпитал хирургияси кафедрасида аспирант, ассисент бўлиб фаолият кўрсатди. Олган билим ва малакаларини амалиётда қўллаш учун тинимсиз равишда амалга оширган ишлари, кечани кеча, кундузни кундуз демай ўқиб изланишлари ўз самарасини берди. Профессор Ҳ.Ҳайдаров раҳбарлигида номзодлик дессертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шундан сўнг домла кўплаб мураккаб жарроҳлик операцияларида иштирок этиб, юзлаб беморларни ҳаётга қайтарди, дуоларини олди. Институтда кўплаб шогирдлар тайёрлади, уларнинг эришган ютуқларидан ҳамиша фахрланиб юрди.

Кейинчалик докторлик ишини ҳимоя қилди. 1995 йилдан 2004 йилгача Самарқанд тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш факультетининг хирургия кафедраси мудири лавозимларида сидқидилдан хизмат қилди. Ушбу йиллар давомида у Самарқанд вилоятининг турли гўшаларида, шунингдек, қўшни Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё воҳасида фаолият юритаётган жарроҳлар малака ва тажрибасини ошириш, улар билан ўзаро тажрибаларини ўртоқлашиш мақсадида консультатив ёрдам ва кўрсатмали операцияларни амалга оширди. Бу жараёнларда иштирок этган жарроҳларнинг эътибор қаратишлари лозим бўлган асосий жиҳатларни уқтирди.

Айни пайтда профессор С.Абдуллаев институт педиатрия факультетининг хирургик касалликлари кафедраси мудири лавозимида ишлаб келяпти. У узоқ йиллар мобайнида 200дан зиёд илмий ишларга раҳбарлик қилди, соҳа ходимлари ҳамда соҳада таълим олаётган талабаларнинг баркамолликка етакловчи 1 та монография ва 15 та илмий-услубий тавсиялар ёзди.

Самимий инсон, меҳрибон устоз Сайфулла Абдуллаев ўз феъл-атвори, инсонийлик фазилатлари билан маҳалла аҳлига ҳам ўрнак бўлмоқда. Турмуш ўртоғи, олий тоифали акушер-гинеколог Машҳура опа билан 4 нафар фарзандни вояга етказди. 11 нафар набиралар ардоғида. Домла бугун ҳам изланишда. Шогирдлари билан ҳамжиҳатликда халқимиз саломатлиги йўлида мураккаб хирургик операцияларни амалиётга қўллаш устида иш олиб бормоқда.

Адҳам АҲМЕДОВ

ҚОНУНБУЗАР "РАҚАМИГА ВАҚТИНЧА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ!"

Замонавий ахборот технологиялари қисқа муддатда турмуш тарзимизнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурди. Хусусан, юртдошларимиз орасида мобиль телефонлар шу қадар оммалашдики, сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда уяли алоқа абонентларининг сони 12 миллиондан ошган. Шунга яраша мобиль телефонларига бўлган эҳтиёж ҳам кун сайин ошмоқда. Шу талабдан фойдаланиб, амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтиб, мўмай даромад қилишга уринаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вакиллари қаторида божхоначилар ҳам уларни аниқлаш ва ноқонуний фаолиятига қарши чора-тадбирларни қўллашга аҳамият қаратишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида республикамиз божхоначилари томонидан аниқланган 310 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 315 миллион 300 минг сўмлик 3000 донага яқин мобиль телефоннинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Мамлакатимиз ҳудудида эркин муомалага чиқариладиган, импорт қилинадиган истеъмол товарлари рўйхатига телефонлар, жумладан, уяли алоқа воситалари ҳам киритилган.

Афсуски, бу борада белгиланган меъёрларнинг сохта "тадбиркор"лар томонидан бузилиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Масалан, жиззахлик божхоначилар Дўстлик туманида ҳаракатланаётган "Mersedes-benz" автобусини тўхтатиб текширишганида, унда давлат тилида маркаланмаган ва божхона расмийлаштирувидан ўтказилмаган 36 дона уяли телефонлар олиб кетилаётгани аниқланди. "Nokia" русумида Хитойда ишлаб чиқарилган ва қиймати 1 миллион 800 минг сўмдан ортиқ қийматдаги ушбу "сотка"лар фуқаро Р.Асадовга тегишли экан.

Навоийлик божхоначилар эса А.Рустамов томонидан 5 турдаги 53 дона мобиль аппаратлар ва 170 дона уяли телефон эҳтиёт қисмларининг яширин равишда олиб кетилишига чек қўйишди. Текширувлар чоғида қонунбузар қиймати 3 миллион 300 минг сўмдан кўпроқни ташкил этувчи ушбу товар-моддий бойликларига тегишли биронта ҳам ҳужжатни тақдим қила олмади.

Самарқанд вилояти божхоначилари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Булунғур туманида 7 миллион сўмлик уяли алоқа воситаларининг кўзланган "манзил"га етказилишига чек қўйишди. Гап шундаки, косонлик А.Хўжамуродова тегишли "Nokia", "Samsung" русумли 86 дона мобиль телефонлар давлат тилида маркаланмаган экан. Бундай пайтда божхона расмийлаштирганини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш ҳам ортиқча.

Наманганлик божхоначилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари Косонсой туманини қўшни давлат билан туташтирувчи айланма йўлда ҳаракатланаётган автомашина тўхтатиб текширишганида, Х.Собитхонов томонидан 3 турдаги салкам 200 дона уяли телефонлар юртимизга ноқонуний равишда олиб кирилгани аён бўлди. Қиймати салкам 30 миллион сўмни ташкил этган ушбу товарларни қонунбузар оз-оз миқдорда пиёда олиб ўтганини маълум қилди.

Фарғоналик божхоначилар ҳам уяли алоқа воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ йирик қонунбузарлик ҳолатига чек қўйишди. Олтиариқ туманининг чегара ҳудудида ҳуқуқ посбонларига дуч келган А.Умарқулов ёнидаги 3 хил русумли 205 дона уяли телефонларга тегишли биронта ҳам ҳужжатни божхоначиларга тақдим эта олмагани боис ер чизиқдан бошқа илож тополмади. Божхона назоратини четлаб ўтиб, яширинча олиб киришга уринган қонунбузарнинг ёнидан топилган "Samsung", "Nokia", "LG" русумли мазкур мобиль воситаларининг умумий қиймати салкам 68 миллион сўмга тенг экан.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

МАЗМУНИ МАВҲУМ АДАБИЁТЛАР

Ҳар кимнинг ўзи хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркинлиги мамлакатимизнинг Бош қомусида алоҳида қайд қилингани барчага аён. Аммо фуқароларга диний таъсир ўтказиш, уларни бир диндан чиқиб, бошқасига киришга ундаш, шу мақсадда турли диний мазмундаги адабиётларни тарқатиш каби хатти-ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланган. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддасида чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейингина амалга оширилиши таъкидлаб ўтилган. Яъни, диний адабиётларни, олиб келиш, сотиш ва тарқатиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг рухсати билан амалга оширилади. Бунда қўмита экспертлари бошқа давлатлардан республикамизга олиб кирилаётан диний мазмундаги медиа ва матбаа маҳсулотларини ўрганиб чиқиб, уларни республикамиз ҳудудида сотиш, тарқатиш ва намойиш қилиш юзасидан ҳал қилув хулосаларини беришади.

Аммо айрим шахсларнинг мазкур тартибларга риоя қилмай, республикамизга турли диний адабиётларни олиб киришга нима мажбур этмоқда? Диний билимларни эгаллашга бўлган қизиқишми ёки моддий манфаатдорликми?

Мамлакатимизда диний таълим муассасалари, диний нашриётлар фаолият юритаётган бир пайтда ташқаридан келтирилган, мазмуни мавҳум диний адабиётларга наҳотки эҳтиёж мавжуд бўлса?!.

"Москва — Самарқанд" йўналиши бўйича парвозини якунлаган Б.Джураевнинг юклари божхона назоратидан ўтказилганда 9 дона турли форматдаги дисклар яширилгани аён бўлди. Божхона баённомасида ҳам, оғзаки сўров пайтида ҳам маълум қилинмаган бу дисклар турли диний маърузалар ва фильмларни ўз ичига олган экан.

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ



Тошкент вилоятининг "Навоий" божхона комплекси орқали қўшни давлатдан кириб келаётган В.Павловнинг безовталаниши божхоначиларнинг диққатини тортди. Божхона кўриги ўтказилгач, шубҳалар беҳуда эмаслиги тасдиқланди. Қонунбузар юртимизга 4 турда 7 дона диний адабиётларни яширинча олиб киришни кўзлаган экан.

Бир тоифа шахсларнинг ўз келиб чиқиши, дини ва эътиқодига қарши бориб, ўзга динни тарғиб қилишни мақсад қилган адабиётларни яширинча олиб киришга уринганини қандай изоҳлаш мумкин? Айримлар дунё бўйлаб миссионерлик ҳаракатларига мўмай даромад илинжида кириб қоляптилар. Гарчи республикамизда мазкур оқимга мансуб 1 та ташкилот расман рўйхатдан ўтган бўлса-да, бу мазкур конфенция вакилларига ҳам, бошқа шахсларга ҳам одамларни ушбу оқимга даъват этувчи миссионерлик хатти-ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқини бермайди.

Тошкент вилояти божхоначилари томонидан И.Батиршин айни шу диний оқимга мансуб адабиётларни яширин равишда юртимизга олиб киришга уринган пайтда тўхтатиб қолинди. Рус тилида чоп этилган 9 турдаги ушбу адабиётларнинг жами сони 29 тани ташкил қилади.

Ҳозир ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Божхона қўмитаси
матбуот хизмати

МУТОЛАА

БАДИИЙЛИКНИ ИЛҒАШ САНЪАТИ

Мутолаани истаган инсон учун яхши китоб ҳар доим топилади. Фақат уни кўриш, танлай билиш бадиий савиямиз ва дидимизга боғлиқ. Баъзан ижодий давраларда улуғ устозлар ёшларнинг китоб ўқимай қўйганликлари ёки бўш вақтларини мутолаага сарфламаётганликлари ҳақида куюниб гапирадилар.

... Баъзан ҳаётда адашган, ўз йўлини тополмай юрганларнинг аксарияти бир сўз билан «иродасизлик қилдим», дея айбига иқрор бўлишади. Аслида ана шу иродани, аввало, китоб, мутолаа тарбиялайди. Иродали одамнинг имон-эътиқоди мустаҳкам, руҳи доим тетик бўлади. Айниқса, инсон руҳиятининг ботиний сирларидан воқиф кишининг дунёқараши кенг, ҳар қандай ҳолатда ҳам хотиржам яшайди. У кутилмаган кўнгилсизликларга, мудом ўзгариб турувчи дунёнинг ҳою-ҳаваслари, ташвишларига ўткинчи ҳодиса деб қарайди. Тақдирнинг синовларини ақл-идроки билан енгишга ҳаракат қилади.

Бадиий дид ҳар кимда ҳар хил бўлиши табиий. Чунки инсоннинг ўзи тилсим. Уни гапиртирадиган, тилини бурро қиладиган манбаа эса китоб. Хўш, китобни танлаб ўқиш, ўз маънавий эҳтиёжи учун зарур бўлган озуқани топиш учун инсон қандай заковатга эга бўлиши керак?

Назаримда, аввал инсон ўз иродасини тарбиялаши учун тинимсиз мутолаа қилиши, туйғуларини, бадиий дидини чархлаши зарур бўлади. Дидни эса адабиёт чархлайди. Шу ўринда тафаккурли шеърлари билан китобхонларни фикрлашга ундаган, таниқли шоир Фахриёрнинг қуйидаги битиклари таҳлилига эътибор қаратсак:

Ёзилмаган шеърлар,
ўқилмаган китоблар
Рўй бермаган муҳаббат
Сарфланмаган эҳтиросларнинг
гуноҳи...

бор бўйнимизда, дейди. Бу — тасаввур санъатининг кириш эшиги. Бу эшикни тополмаган инсон гўзаллик оламига кира олмайди. Аслида ҳар қандай кашфиётлар, энг аввало, тасаввур ҳосиласи туфайли дунёга келади.

... ўлим қўрқинчлимас,
Фақат тасаввурга дош берсанг бўлди,

дейди шоир яна бир шеърида. Умуман, назмдаги «ўлим» образини жисмонан йўқ бўлиш маъносида тушунмаслик жоиз. Ўлим беҳушлик ҳолатида кўрилган туш ёки илоҳий муҳаббатга етишиш истаги. Бу узлатга Тангрига, севикли ёрга ёки ўзини англашга интилаётган одамнинг қалб кечинмалари деб қараш керак.

«Ўлим» образи мумтоз шериятда ҳам обдон ишланган. Масалан, ҳазрат Навоий битикларининг бирида: «Фано баҳрига чўммоқдин ғараз толибға васл ўлди», *дейди. Васл ўлиши – бу ишқ жилвасидан сеҳрланиб, ҳушидан айрилган ошиққа нисбатан қўлланилган.*

Тасаввурга дош бера олган шоир яна бир шеърий тизмаларида: «Мен ўзимни сендан изладим» *ёки* «Сендан ўзни топмаслик ўйи, Юрагимга солар ваҳима», *дейди. Ўзини излаётган одам покланаётган қалбдир. Улуғ донишмандлар ҳам комилликка ана шу поклик, ростгўйлик билан эришганлар.*

Кўнгил фазосида,
Кўнгил қасосида –
Кўнгил қазосида
ойнинг гуноҳи бор,
ойнинг савоби.

Агар шоир бу шеърни ҳамма қўллаган услубда ифодаланганида, балки унинг ҳиссий таъсири бу қадар кучли бўлмасди. Кўнгил қазосида ойнинг не айби бор, дерсиз. Чунки шу пайтгача ойга гўзаллик, поклик рамзи сифатида қаралган. Лекин унинг лирик қаҳрамони «ойларга бошин уриб йиғлайди». *Бу билан у ҳар қандай вазиятда ҳам «...* муҳаббатнинг кўйлаги оқдир», *дея ишқни улуғлайди.*

Кейинги пайтда бир хил мавзудаги, афсонавий саргузаштлардан иборат жилд-жилд асарлар тўплами чоп этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Негадир ҳозир ён дафтарда қоладиган шеър, ҳикоялар, публицистик мақолалар ва хотираларни нашр этириш "урф"га айланмоқда. Зўрма-зўраки воқеалар тиқиштириб ёзилган бундай "асар"ларни ўқиган ёшлар улардан нимани ўрганиб, нималарни фикрлашини тахмин қилиш мумкин.

Шу боис, китобхоннинг ўзи ҳақиқий асар билан савияси саёз машқларни фарқлай олиши лозим. Бунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек, унда болаликдан мутолаа маданияти шаклланган бўлиши керак.

Шоир ҳаёт кемаси тинимсиз ҳаракат қилар экан, ташланган ҳеч бир қадам тақрорланмайди, бой берилган вақтни эса ҳеч қачон қайтариб бўлмайди, дейди. Ҳақ гап. Ўқувчи учун сўз қудратини англаш йўли қанчалик машаққатли бўлмасин, ундан роҳатланиш азоби тасаввурни кенгайтиради. Тасаввури бой одам дунёдаги кўп нарсаларни ҳис қилишга, илғашга қодир. Шунинг учун яхши китобларни доимо бир-биримизга совға қилиб, илиниб яшайлик.

Сафарали ҚУРБОНОВ,
ЎзФА Тил ва адабиёт институти аспиранти

ҲОЛАТ

Фарзандларимиз китоб ўқияпти...

"Китоб сенга лаганбардорлик қилмайдиган ўртоқ, сени алдамайдиган дўст, малол келмайдиган йўлдош, таҳқирламайдиган насиҳатгўйдир" деган экан донишмадлардан бири. Инсон маънавияти у тарбияланган муҳит, ота-онанинг ахлоқий фазилатлари, телевидение, кино, театр кўриши, ўқиган китоблари билан белгиланади. Болаликда қанча китоб кўп ўқилса, инсоннинг дунёқараши шунча кенг, билим даражаси юқори бўлади. Аксарият ота-оналар ўз фарзандларига тарбия берар эканлар, телевизор кўр, кинога бор деб эмас, китоб ўқигин, одам бўлгин, дейишади. Ҳеч қандай олий ёки ўрта махсус таълим даргоҳини кўрмаган ота-она ҳам боласининг китобга, билим олишга бўлган муносабатини, интилишини сезган заҳоти уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Уларнинг олий мақсади фарзандларининг бахти ва камолини кўришдир.

Яқинда оилам билан "Шарқ зиёкори" китоб дўконига бордик. Китобларни кўриб одамнинг кўзи қувнайди. Лотин ва ўзбек алифбосидаги наср, назм, жаҳон адабиёти дурдоналари, энциклопедиялар, таржима асарлар чиндан ҳам одамга маънавий озуқа беришга шай турганга ўхшайди. Дўкондан бир йил аввал қизим учун 10 номда катта-кичик китоб харид қилган эдим. Китобларни совға сифатида бериб, энди улар сеники, уларнинг ҳар биттасига "Шахсий кутубхона" деб ёзиб қўй, дея эслатдим. Мактабида, синфдошлари орасида "Энг кўп китоб меники" деб фахрланган қизимнинг кўзидаги қувончни кўриб, мен икки карра севиндим. Шундан бери қизим мени ҳам китоб дўконига олиб борасиз, дея ҳоли-жонимга қўймасди. Бу гал қизим ва ўғлимни олиб, китоб дўконига бордик. Ўзлари истаган, қизиқарли деб билган китобларни танлашди.

Болалар психологияси ўзига хос. Ўғлим ҳали мактаб ёшига етмагани учун расмли китобларни, болаларни бўяшга ўргатувчи "Биз Осиёда яшаймиз", "Биз Африкада яшаймиз", "Биз Европада яшаймиз" каби ўзбек ва рус тилларидаги китобларни танлади. Қизим эса эртак, шеър, ҳикоя жанрига мансуб китобларни саралаб олди. Инсон одатда фарзандининг камолот сари етаклайдиган жиҳатларига ҳеч қачон қаршилик қилмайди. Мен уларга ўзлари яхши деб билган китобларни сотиб олишларига қўйиб бердим. Ўзига хос дизайнда, болаларни жалб этувчи, эртак, шеър ва ҳикояларга мос тарзда ишланган расмлар болаларнинг қизиқишини янада оширарди. Лекин... кейинчалик қизимнинг берган саволлари мени ўйлантира бошлади.

Бир эмас, икки эмас, бир неча саволлар йиғилиб қолгач, ушбу мақолани ёзишга қўл урдим. Қизимнинг "Нега? Нега?" деган саволлари билан энди китоб нашр қилаётган ноширларимизга мурожаат қилмоқчиман.

"Давр" нашриёти томонидан чоп этилган "Энг гўзал эртаклар" туркумидаги китоблар ўзининг ўзбек ва рус тилларида берилгани, болаларга бўлган таъсирининг юқорилиги, турфа ранг ва кўринишларни ифодаловчи расмларга бойлиги, асар мазмунини очиб бериши, қоғозининг сифати каби жиҳатлари билан эътиборни тортади. Аммо айрим эътирозларни айтмаса бўлмас. Таржимони ҳам, муҳаррири ҳам бир одам бўлган "Олтин сочли малика" деб номланган чех эртаги асосидаги китобнинг 2-бетида шундай сўзлар бор: "Ким бу балиқдан татиб кўрса, ер юзидаги ҳамма жониворларнинг – ҳайвонлар, қушлар-у балиқлар, ҳатто қурт-қумурсқаларнинг тилини билиб олади..." Шу бетдаги бошқа бир ўринда "Балиқни қовур, эҳтиёт бўл ундан жиндай бўлса-да, тотиб кўрмагин!" деган жумлалар бор.

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, бир бетнинг ўзида "татиб кўрмоқ" сўзи, бир ўринда "татиб", бошқа бир ўринда "тотиб" кўринишида берилган. Хўш, бу сўз қандай ёзилади? Китоб нашр қилаётган ноширларимиз уларнинг қайси бирини қўллаш керак деб ўйлайдилар? Мактаб ёшидаги китобсевар ўғил-қизларнинг саводхонлигини ошириш учун олиб берилган бу китоблар уларни чалғитмайдими? Ана шу бетнинг ўзида "қумурска" сўзи, "кумурска" деб берилган ва матнда бир қанча услубий хатоларга йўл қўйилган. Тилшунос бўлмаганим учун уни таҳлил қилишга истиҳола қилдим. Муаллиф матнда "талинка" деган сўзни ишлатган. "Талинка" сўзи рус тилидаги "тарелка" сўзининг сўзлашув жараёнида ишлатиладиган муқобили ҳисобланади. Назаримизда, унинг ўрнига "ликопча", "тақсимча" сўзларини ишлатган маъқул эди.

Айнан шу китобнинг 12-бетида берилган бошқа бир жумлага эътибор қаратамиз: "Қирол раҳмат айтиш ўрнига буйрук бериб, садогатли хизматкорнинг калласини олдирибди". "Буйруқ" сўзи "буйрук", "садоқатли" сўзи "садогатли" кўринишида берилганини қандай изоҳлаш мумкин? Буларни техник хатолар, эътиборсизлик туфайли шунчаки ўтиб кетибди, дейиш ноширларимизни оқлолмайди, албатта.

Лабулэ Эдуард Рененинг "Малика ва ўтинчи" эртагининг 8-бетида шундай жумлага кўзингиз тушади: "Ўзларини тўхтатмоқчи бўлармишу, сираям тўхта олмасмиш" жумласи нотўғри тузилган. Аслида эса "Ўзларини тўхтатмоқчи бўлишармиш-у, сираям тўхтата олишмасмиш" кўринишида бўлиши лозим эди.

Бугун ҳаётимизда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли жуда катта эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Нодавлат радио ва телеканаллар эфирларини кузатар эканмиз, баъзида шевага хос сўзлардан фойдаланилаётганига гувоҳ бўламиз. Интернетда, айрим хусусий матбуот нашрларида ҳам бу муаммо ўз ечимини кутиб ётибди. Ёшлар севиб томоша қиладиган, кассабоп бадиий фильмларнинг аксариятида ҳам бу муаммони кузатиш мумкин. Юқорида номи тилга олинган эртак китобда "Ана шундан кейин уччаловини кемада денгизга қўйворишибди" деган сўзлар келтирилган. "Қўйворишибди" сўзи шевада, адабий тилда эса "қўйиб юборишибди" кўринишида ишлатилади.

"Давр" нашриётида чоп этилган яна бир "Шаҳзода Роланд" деб номланган инглиз эртаги шундай сўзлар билан бошланади: "Дунёда малика Эллен билан унинг учта акаларидан ҳам хушчақчақ ва бахтиёр одамлар бўлмаган бўлса керак". Ҳозирги замон ўзбек адабий тили қонун-қоидаларига асосан "учта" деб одамлар сони кўрсатилгач, "акалари" деб ёзилмайди. "Уч акаси" деб кўрсатишнинг ўзи кифоя эди.

Ҳар учала китобнинг охирида "Энг гўзал эртаклар" рукнида босилган 8 та китоб, расмлари билан бирга реклама қилинган: "Нашрларни таклиф этамиз". "Нашр" сўзи "нашир"га айланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? "Оққиз ва етти митти" китобидаги "yetti", "Abdullayev" сўзларидаги "у" ҳарфи тушириб қолдирилган.

Китоб – тарбия воситаси. Уларда берилган ҳар бир ҳикоя, эртак, шеър бола учун маънавий озуқа беришга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда улар ўғил-қизларимизнинг саводхонлигини оширишга ҳам яхшигина улуш қўшади. Мен ноширларни танқид қилиб, уларнинг китобларидан айб қидирмоқчи эмасман. "Давр" нашриётида чоп этилаётган китоблар ўзининг техник сифати жиҳатидан бошқа нашриётларда чоп этилаётган китоблардан ажралиб туришини мақола аввалида айтиб ўтган эдим. Аммо боланинг саводига салбий таъсир этувчи, чалғитувчи, услубини бузувчи жузъий камчиликларга йўл қўйишдан ҳам тийилсак, яхши бўларди.

Амруллo КАРИМ,
журналист

Қаердасан, карнай садоси?!

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

АЖИБ ДУНЁ

Ҳаётда шундай воқеалар учраб турадики, ундан воқиф бўлганда ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Гўё ҳазил йўлида атайлаб тўқиб чиқарилгандек...

Ўзингиздан қолар гап йўқ, ўсмирлик даврида йигит-қизларнинг орзулар қанот боғлайди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа қаҳрамони Ойсарахон ҳам ширин орзулари қанотида жаҳонни бўлмаса-да, ўлкани кезишга мойил бўлди.

Кунларнинг бирида у ёлғиз қолган чоғи мобиль телефонида тахминий коднинг, ундан кейин ўзи туғилган сана — 1993 йил 13 январь рақамларини териб, чақирув тугмасини босди. Тақдирни қарангки... Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани марказида яшайдиган деҳқон йигит Баҳодиржоннинг қўл телефони жиринглаб қолди.

— Кимсиз? — деб сўраса, у томон ўзини таништириб, яшаш манзилини айтди. Бу томон ҳам ўзини таништирди.

Шундай қилиб, ўртада кўринмас ришта пайдо бўлди. Бу ришталар беғубор ва ойдин туйғулар шуъласи билан омухта эди.

Боғдорчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи Баҳодиржоннинг ёши 30 ларга бориб қолган, лекин узрли сабабларга кўра ҳали уйланмаган эди. Меҳнаткаш ва ҳалол, табиатан соддадил, ихчамгина йигит. У олисдаги Ойсаранинг ўзидан бирмунча ёшлиги ва ғўрлигини инобатга олиб, бу танишувга даставвал жиддий эътибор бермади. Орадан икки ойча вақт ўтган бўлса-да, қизга бирон марта ҳам қўнғироқ қилмади. Ойсаранинг ўзи уни аҳён-аҳёнда «йўқлаб қолар», атиги 1-2 дақиқали мулоқотлар ҳол-аҳвол сўрашдан нарига ўтмасди.

Қизнинг ана шундай қўнғироқларидан бири уларнинг тақдирида кутилмаган бурилиш ясади.

Ойсара бу гал йиғлаб, энтикиб гапирди:

— Баҳодир ака, бизнинг уйимизда норасолик... Мен яшашни истамайман!..

Баҳодиржон саросимада қолди.

— Ўзингизни босинг, Ойсара. Нима гап ўзи? Очиқроқ гапирсангиз-чи?!. — Келсангиз биласиз... — қиз йиғидан тўлиқиб, бошқа гапиролмади.

Шундай қилиб, йигит виждон амрига бўйсуниб, узоқ қорақалпоқ заминидаги нотаниш, бироқ дилга ғойибона яқин бўлиб қолган қиздан хабар олмоқ учун шошилганча йўлга чиқди.

Унинг йўл давомида кўрганкечирганларига тўхталиб ўтирмаймиз. Баҳодиржон Ойсарани у ўқийдиган коллеждан топди. Улар худди эски қадрдонлардек учрашишди. Қиз унинг ташрифидан хурсанд бўлди. Лекин гап юз берган воқеага тақалганда Ойсара яна маъюс тортди, кўзларига ёш олди.

Маълум бўлишича, бир можаро юзасидан қизнинг ота-онаси ўртасига совуқлик тушган. Оиланинг пароканда бўлиб кетиш хавфидан Ойсара «бу дунёга сиғмай» қолган экан...

— Мени ўз юртингизга олиб кетинг. Ўша ёқларда ўқийман, ишлайман, — деб қолди қиз кутилмаганда. — Қадрим бўлса, ўзлари изимдан ахтаришар...

Лекин Баҳодиржон унинг фикрига қўшилмади: «Сиз ўқишни шу ерда тугатишингиз керак. Уйдаги жанжалларга эътибор берманг, ҳаммаси изга тушади. Водийга бориб яшаш орзуингиз бўлса, қочиб кетмас. Ота-онангиздан розилик олсангиз, ўшанда олиб кетаман...

Баҳодиржон шундай дея изига қайтди.

Орадан беш ойча вақт ўтди. Ойсара энди унинг кўз ўнгидан кетмаётган бўлса-да, қизни бошқа безовта қилмади. Ниҳоят, қизнинг ўзи унга яна телефон қилиб қолди:

— Мени олиб кетинг...

Йигит яна йўлга тушди. Яна учрашишди. Бу гал энди Баҳодиржон ҳеч нимани суриштирмай, қизни Олтиариққа олиб келди. Ойсара Баҳодиржоннинг бувисиникига жойлаштирилди. Бироқ кўпчиликнинг маслаҳати билан Ойсарага билдирмай, Нукусга телефон қилишди:

— Хавотир олманглар. Қизингиз соғ-омон, бизникида...

Шундан кейин воқеалар янаям кескинлашиб кетди. Қизнинг ота-онаси кўз очиб юмгунча, етиб келишди. Ўртада жанжал қўзғалиб, бу ишга милиция аралашди. Қайтишни мутлақо истамаган Ойсара зор-зор йиғлаганича, ота-онаси билан жўнаб кетди. Ўшанда ўтган йилнинг 30 майи эди...

Бир муддат орадаги воқеаларга сув сепилгандек бўлди. Баҳодиржон ўзининг тирикчилик ишларига шўнғиб кетди. Аҳён-аҳёнда кўз олдида Ойсара гавдаланиб қолса, юраги гупиллаб қўяр, бироқ қизни безовта қилишни истамас эди.

Орадан тўрт ойча вақт ўтиб... Ойсара яна қўнғироқ қилди:

— Кетаман!

Октябрь ойининг охири эди. Кузги ишлар росаям авжида, бош қашишга фурсат йўқ. Лекин шунга қарамай, Баҳодиржон яна Нукус томонга йўл олди. Аммо бу гал у масалага узил-кесил нуқта қўйди. Орадан яна ойлар ўтаверди. Яқинда шу йилнинг 5 август куни улар қизчали бўлишди. Қизалоққа рўза кунлари туғилгани учун Шаҳрўза деб исм қўйишди. Албатта, бу ҳақда Нукусга хабар бермасликнинг иложи йўқ эди. Телефонда ота-онасига Ойсаранинг туғуруқхонада эканини маълум қилишди. Бу гал қизнинг синглиси, онаси ва холаси зудлик билан етиб келишди.

Меҳмон аёлларнинг фикри қатъий эди. Улар ҳеч кимга, ҳеч нарсага қулоқ тутмадилар. Ойсаранинг ҳам, чақалоқнинг ҳам саломатлиги ҳали ночорлигига қарамай, она-болани туғуруқхонадан олиб чиқишиб, йўлга отланишди. Албатта, Баҳодиржон энди боласидан ажраб қолишни истамасди.

— Майли, фарзандим учун мен ҳам бош олиб, Нукус томонларга кетаман, — деди у қатъийлик билан.

Баҳодиржоннинг бошига тушган савдолардан бошлари қотган ота-она дилларида изтироб-у, кўзларида ёш билан фотиҳага қўл очишди:

— Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл, болам!..

Аммо Баҳодиржон яна Олтиариққа қайтишга мажбур бўлди. У ёқда — Ойсара қизчаси Шаҳрўзани бағрига босганича, хунхун йиғлаб қолаверди. Биз ҳикоя қилаётган можаронинг ҳинд кинофильмларидагидек бахайр якун топиши эса қизнинг ота-онасига боғлиқ эди.

Шу ўринда биз — ёши улуғлар ҳам жиндаккина мушоҳада юритиб, юз берган воқеага муносабат билдирсак, ножоиз бўлмас. Аввало, Ойсаранинг ота-онаси ҳақида тўхталайлик. Икковлари ҳам зиёли, обрў-эътиборли инсонлар экан. Маълум даражада уларни ҳақ, деб ҳисоблаймиз. Негаки, ҳеч бир ақли солим ота ёхуд она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Унинг бахтсиз яшаб ўтишини истамайди, боласининг иқболи йўлида жон қуйдириб яшайди. Ҳозирги араз-у, дўқ-пўписалар қизлари Ойсаранинг «нодуруст иш» қилиб қўйганидан жиғибийрон бўлган ота-онанинг ҳали совиб улгуришмаганидандир.

Рўй берган воқеа ҳамда норасоликларда биз кўпроқ айбни куёв томонга юклаймиз. Негаки, Баҳодиржон 30 ёшни уриб қўйган, юқорида таъкидлаганимиздек, эс-ҳуши жойида, мулоҳаза билан иш тутишга қодир йигит. Борингки, уни «барибир ёшлик қилиб қўйибди-да» десак, ота-онаси, маҳалла оқсоқоллари-ю, расмий никоҳдан ўтмай оила қуришга изн берган «ғўр одамлар»га нима дейсиз?

Ўғиллари Баҳодиржон шунча олис юртдан оқу қорани ажратиб улгурмаган, ҳою-ҳавас қанотида учиб юрган, ўн етти ёшга тўлиб-тўлмаган қизни уйга бошлаб келган ўғилга ота-она дашном бермайдими? Ота-онасининг розилигисиз никоҳга йўл қўймайлик, уни зудлик билан ўз уйига қайтарайлик, узр сўраб, муросага келайлик, яхши ниятлар билан қуда-анда бўлайлик, дейиш лозим эмасмиди? Ана ўшанда «Болаларимиз бир-бирларини севишади, лекин қизнинг ота-онаси тўсқинлик қилишяпти» дейишса, қонун ҳам, жамоатчилик ҳам уларни ҳимоя қилган бўларди.

Энди «бўлар иш бўпти», дейишдан ўзга чора йўқ. Иккала томон ҳам тақдирга тан беришга мажбур. Бу ёғига муроса қилишдан икки тараф ҳам манфаатдор. Қиз томон қизни, ўғил томон ўғилни бегонага уйлантириб, ўртадаги муҳаббатнинг завол топишига йўл қўймасликлари, энг муҳими, ўртадаги бегуноҳ қизча Шаҳрўзани отадан тирик етим қилишдан оғирроқ гуноҳ йўқлигини тушуниб етишлари зарур.

Ҳозир масаланинг асосий ечими Ойсаранинг ота-онасига боғлиқ бўлиб қоляпти. Яхши инсонлар учун кечиримли бўлишдан улуғроқ фазилат йўқ. Биз ишонамиз, улар барибир зиёли, бағри кенг кишиларга хос оқилона йўл тутадилар. Шояд ҳадемай куёв тараф учун «олис қорақалпоқ заминида» ва келин томондагилар учун «олис Олтиариқда» тўйнинг карнай-сурнайлари барчамизни зиёфатга чорлаб қолар. Ана ўшанда халқимизнинг муҳаббат, дўстлик ва қон-қариндошлик туйғулари ҳеч вақт масофа танламайди, деган ҳикмати яна бир бор ўз тасдиғини топади.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
Фарғона вилояти,
Ғойиб ЁҚУБОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича «Hurriyat» мухбирлари

ОЛИС ҚИШЛОҚ САДОСИ

ҚАДРИЯТЛАРИНГДАН АЙЛАНАЙ, ХАЛҚИМ!

Жаҳон илм-фани, маданияти, давлатчилиги ривожини бизнинг заминимизда туғилиб, камолга етган буюк донишмандлар, алломалар-у давлат арбобларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқимизнинг ибратли урф-одатлари, удумлари, анъаналари, қадриятлари мўл.

Турмуш тарзимизга сингиб кетган шундай урфларимиз борки, уларнинг замирида одамийлик, меҳр-оқибат мужассамлашган бўлади.

Вақт топиб, Қашқадарё вилоятининг олис қишлоқларидан бири Тошқўрғонда истиқомат қилаётган дўстимни йўқлаб бордим.



Бир зумда биз ўтирган уй — меҳмонхона қўни-қўшнилар, дўстимнинг қадрдонлари билан гавжум бўлди. Мезбондан секин «Булар ким?», «Бирор тадбир қилаётганмидингиз?», деб сўрадим. «Ҳе, йўқ, — деди уй эгаси. — Сизнинг ташрифингизни эшитиб, қўни-қўшни, яқин биродарлар чиқишган. Бириккитасини ўзим айттирганман. Қишлоққа четдан меҳмон келса, ҳамма эшитади. Айтмасам, уят бўлар. Мен ҳам уларникида туз тотиб, азиз меҳмон бўлганман», деди хотиржам.

Гурунг ярим кечагача давом этди. Қишлоқ одамларининг тўйлардаги қурашкўпкарилар, полвонлар-чавандозлар довруғи ҳақидаги суҳбатлари мароқли.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, мезбонлардан бири гап бошлади: «Энди меҳмонлар, бугун йўл юриб ҳориб келгансизлар, дам олингизлар. Эртага эрталаб бизникида бир пиёла чой ичасизлар. Пешинга Эшпўлатникига ўтамиз, кечқурунга Тошпўлат муаллимникига борамиз», деди ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. Менга ҳамроҳ бўлиб келган дўстларим бир-бирларига ажабланиб қарашди.

Тўғри, шаҳардан узоқ қишлоқларимизда шунақа одатлар борлигини биларди, эшитгандик. Вақтимиз тиғизлигини айтиб, рухсат сўрадик.

«Йўқ,— дейишди мезбонлар қатъий. — Шунча йўлдан оғайнимизни сўроқлаб келасизлар-у, бир уйдан қайтсанглар уят бўлади. Эшитган қулоққа яхшимас. Бу бизнинг шаънимизга тўғри келмайди».

Хуллас, ўша қишлоқда икки-уч кун қолиб кетдик. Ва ҳануз Тошқўрғоннинг дилкаш одамларини, уларнинг самимий гурунгларини соғиниб эслаймиз.

Бу халқимиз урф-одатларининг, меҳмондўстлигининг ота-боболаримиздан бизгача сақланиб келаётган кўринишларидан биридир. Меҳмондўстлик ақидалари моҳиятида элимизнинг ибратли фазилатлари мужассам. Меҳмонни улуғлаш замирида қўни-қўшнилар, яқин биродарлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш ўз ифодасини топади.

Турмуш тарзимиздаги яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтишни истардим. Бу бир хонадонда оила аъзолари — бува, момо, ота-она, фарзандларнинг бирга яшашидир. Бу бошқа кўпчилик халқларда учрамайдиган жуда ажойиб ҳолатдир. Ёш оила, келинкуёв йигитнинг ота-онаси билан бир хонадонда яшайди. Бунинг яхши томонлари: ёшлар то ўзлари мустақил уй-жой қилгунларича ота-она назоратида, маълум бир маънода қарамоғида бўладилар. Ёш келинчакка уй-рўзғор юмушларида, бола тарбиясида қайнонаси кўмаклашади. Ёш оила фарзандлари 5-6 ёшга етиб, алоҳида турар-жой қилиб, ота-онасидан мустақил яшашга изн сўраганларида, энди уларнинг ўзлари ҳам анча улғайиб қолишди. Ёшлар ота-оналари билан бирга яшаганларида турмушдаги қийинчиликлар, рўзғор ташвишларини нисбатан енгил ўтказишади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқида дунё халқлари олдида турган муаммоларга катта эътибор қаратилди.

Чунончи, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, дунёдаги айрим мамлакатларда қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемияларнинг олдини олиш нақадар мушкул бўлиб турган бир пайтда мамлакатимизда барча миллат вакиллари бир-бирлари билан дўст-иноқ яшаётганини кўриб, яна бир бор шундай халқ фарзанди бўлганингга, Ўзбекистондай ҳур мамлакатда яшаётганингга шукурлар қиласан киши.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бошқа миллат ва элат вакилларининг ўзбеклар билан бирга эркин ва тенг, фаровон яшашлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятларнинг яратилгани ҳам халқимизнинг нақадар бағрикенглигидан нишонадир.

Бағрикенглик замирида одамларимизнинг саховатлилиги ётибди. Бизда ҳамиша бева-бечораларга, етим-есирларга, болаларга, ногиронларга, қарияларга, раҳм-шафқат кўзи билан қаралган ва ёрдам берилган. Уйида тансиқроқ таом пиширган хонадон доимо қўшниси ёки маҳалладаги беморга илинган.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бу одатлари ривожланди, такомиллашди. Бугунги кунда элимизнинг ишбилармон, тадбиркор инсонлари, хайрия жамғармалари ва бошқа ташкилотлар томонидан беғараз ўтказилаётган хайр-саховат тадбирларининг саноғи йўқ. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган халқимизнинг кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган сиёсати замирида ҳам саховатга йўғрилган инсонпарварлик бор. Миллий ғоя ва маънавиятимиз асосларида, муқаддас динимиз фалсафасида саховатлилик инсоннинг энг эзгу фазилатларидан бири сифатида улуғланади.

Андишалилик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, айтиш мумкинки, қадрият даражасига кўтарилган миллий фазилатларимиздан биридир. Андишалиликнинг қирраларидан бири ёши катта инсонларнинг, ота-онанинг раъйини қайтармаслик, уларни қадрлаш, фикр-мулоҳазаларини босиқлик билан тинглашдир. Масалан, отага нисбатан андишани олиб қарайлик. Ҳар бир оиланинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари, муаммолари бор. Рўзғорда етишмовчилик, камчиликлар бўлиши табиий. Ўзбек хонадонида отанинг ҳурмати ўзгача — фарзанд вояга етиб, қўлидан иш келадиган, ҳатто топармон-тутармон бўлганида ҳам ота-онасининг измидан чиқмайди.

Турмушдаги яқдиллик ва ҳамжиҳатликнинг ижобий томонлари кўп. Раҳбарлари иноқ жамоада ташкилот зиммасидаги мақсадига тезроқ эришади. Амалдаги иш ва натижалар кўпроқ бўлади. Ҳамжиҳат оилада эса муаммолар тез ва соз ҳал этилади. Бу мисолларни янада кенгроқ олиб қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда эришилаётган муваффақиятларимизнинг бош омили ҳам халқимизнинг меҳнаткашлиги, бағрикенглиги, саховатлилиги ва андишалилиги самарасидир. Юртбошимизнинг мамлакатимизда тинчликнинг барқарорлиги, тумушнинг фаровонлиги йўлида саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ шаҳар ва қишлоқларимиз кун сайин обод, халқимизнинг ўлмас қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари асраб-авайланмоқда. Мамлакатимиздаги мана шундай ҳамжиҳатлик, яқдиллик самараси ўлароқ бугун жаҳонда ҳукм сураётган молиявий-иқтисодий инқироз қийинчиликлари, муаммолари осонлик билан енгиб ўтиляпти.

Халқимизгагина хос бўлган меҳмондўстлик, бағрикенглик, меҳр-оқибатлилик, саховатлилик, ҳамжиҳатлик каби одатларимиз келажагимиз пойдевори мустаҳкамлигидан, буюклигидан далолатдир.

Абдужалол ТАЙПАТОВ

СПОРТ

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Хитойнинг Зибо шаҳрида ўтказилаётган Осиё чемпионатидаги дастлабки учрашувида КХДР жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Мазкур ғалабадан кейин «В» гуруҳи пешқадамига айланган терма жамоамиз кейинги учрашувда Бахрайн футболчилари билан куч синашди. Қизиқарли ва муросасиз курашлар остида ўтган ушбу ўйинда Павел Смоляченко томонидан киритилган ягона гол эвазига ғалаба қозониб, чорак финал йўлланмасини ҳал қилишди.

Икки йилда бир маротаба ўтказиладиган мазкур мусобақа келаси йили Колумбияда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига саралаш турнири вазифасини ўтайди.

Осиё чемпионатининг ярим финалига чиққан тўрт терма жамоа ўша жаҳон чемпионатига йўлланма олади. Вакилларимиз бундай имкониятни қўлдан бой бермайдилар, деб умид қиламиз.

ШАХМАТЧИМИЗ ҒОЛИБ

Малайзияда шахмат бўйича ўтказилган Халқаро турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Дмитрий Қаюмов биринчи ўринни эгаллади.

Дунёнинг ўнга яқин кучли шахматчилари иштирок этган мусобақада ҳамюртимиз малайзиялик Тан Чин Нам, Лим Киан Хуа, сингапурлик Жиам Чу Ки, Тан Лиан Ан, АҚШдан келган Рональд Жозеф ва сяньганлик Чан Квай Кеонгни мот қилди. Австралиялик Жонс Брайн билан дуранг ўйнаган Д.Қаюмов олти ярим очко тўплаб, турнир ғолиби бўлди.

РОНАЛДО ФАОЛИЯТИНИ ЯКУНЛАЙДИ



Бразилиялик таниқли футболчи Роналдо ўз фаолиятини 2011 йилда якунламоқчи эканини эълон қилди.

— Мен 2011 йилнинг декабрь ойигача яшил майдонда тўп сурмоқчиман, — дейди ўттиз тўрт ёшли футбол юлдузи журналистлар билан мулоқот чоғида. — Жорий мавсумда турли жароҳатлар туфайли кўнгилдагидек ўйин кўрсата олмадим. Ҳозир «Коринтианс» жамоаси мухлисларининг муҳаббати ва садоқати олдида ўзимни қарздор эканимни ҳис қилиб турибман. Уларни хурсанд этиш учун яна бир йил футбол ўйнашга бор кучим ва имкониятни сарфлайман. Қолаверса, ўзим ҳам "Либертадорес" кубогини қўлга киритишни жуда хоҳлаяпман.

НИГЕРИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИГА ТАЪҚИҚ ҚЎЙИЛДИ

Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) спорт ишларига давлат мансабдорлари аралашгани боис Нигерия терма жамоасини ҳар қандай даражадаги халқаро турнирларга қатнашиши таъқиқлаб қўйди.

ФИФА баёнотида қайд этилишича, эндиликда Нигерия терма жамоаси на ҳудудий, на қитъавий мусобақаларга қатнашади. Бу таъқиқ фақат терма жамоага тегишли.

Хабарингиз бор, яқин кунларда Нигерия терма жамоаси Африка чемпионатининг саралаш учрашуви доирасида Гвинеяга қарши майдонга тушиши керак эди. Аммо юқоридаги масала юзасидан мазкур ўйин ўтказилмайдиган бўлди. Чунки ФИФА қўйган таъқиқни бир нечта ҳукумат ва судлар қўриб чиқиб, ўз хулосаларини бериши лозим. Ана шундан кейин томонлар бир тўхтамга келишади. Қолаверса, Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси Нигерия спорт ижроя қўмитаси котиби Муса Амадни истеъфога чиқишини талаб қилмоқда.

ФИНАЛ — КИЕВДА

Футбол бўйича 2012 йилги Европа чемпионатининг финал учрашуви Украина пойтахти Киев шаҳрида ўтказилиши расмий равишда эълон қилинди. Бу ҳақдаги хабарни УЕФА президенти Мишел Платини тарқатди. Турнирнинг очилиш учрашуви эса Варшавада ташкил этилади.

Хабарингиз бор, Евро-2012 мусобақалари Украина ва Польша давлатларида бўлиб ўтади.

ШВЕЦИЯ — МЕЗБОН

Швеция 2013 йилда футбол бўйича аёллар ўртасида бўлиб ўтадиган Европа чемпионатига мезбонлик қилиши маълум бўлди.

Қитъанинг 16 та энг кучли жамоалари иштирок этадиган мазкур турнирни ўтказишга шведлардан ташқари Голландия футбол ассоциацияси ҳам даъвогарлик қилган эди. Бироқ улар мусобақани ўтказишга тайёргарлик борасида рақибларидан ортда қолди.

Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, Европа чемпионати 2013 йилнинг июль ойида бошланиши кутилмоқда.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Устанинг ҳақиқати

"Ўзбекистон халқ устаси", кулол Алишер Нарзуллаевнинг устахонасидаги чарх юз йилдан зиёд вақтдан буён айланади. Унда бир пайтлар бобоси ишлаган, кейин отаси — уста Ибодулло меҳнат қилди. Аммо бу қадимий ускунада яратилган маҳсулотлар дунё аҳлининг нигоҳини ҳеч қачон бугунгидай ўзига қаратган эмас. Яқинда Франциядан Бухорога ташриф буюрган бир гуруҳ сайёҳлар устанинг ишини ҳайрат билан кузатишди. Қўл меҳнатини кўп қадрлайдиган бу одамлар тупроқдан мўъжиза яратаётган ҳунармандларнинг маҳоратига қойил қолдилар ҳамда уста билан янги алоқаларни йўлга қўйдилар.

Бугун Алишер Нарзуллаевнинг кулолчилик маҳсулотлари дунёнинг 20 га яқин музейлари пештоқидан ўрин олди. Унинг миллий кулолчилик буюмлари Россия, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Франция, Германия, Саудия Арабистони, Туркия каби мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда муносиб баҳоланиб, бу давлатларнинг санъат ихлосмандлари томонидан харид қилингани ушбу ҳунармандчилик турининг умрбоқийлигидан далолатдир.

— Биз олтовлон — устозимизнинг энг олди шогирдлари ҳамда уч нафар фарзандлари 70 турдаги сопол буюмлар ишлаб чиқаряпмиз, — дейди Шерзоджон Ибодуллаев. — Улар бежиримлиги, нафислиги билан ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Мен устозимнинг: "Сен чарх олдига ёруғ ният билан ўтир. У билан забонсиз гаплаш. Уни алқа, энг яхши тилакларингни айт. Ана ўшанда чархнинг ўқи сенинг қалбинг билан бирга айланаётганини ҳис этасан" деган сўзларини ҳар доим ёдимда сақлайман. Мен ушбу сўзларнинг ҳақиқатлилигига ишонаман.

Фаҳм-фаросати ўткир, тафаккури кучли инсонлар ҳам атрофидагилардан ҳам ҳаётнинг ўзидан ўрганади. Ана шундай инсон ўз соҳасининг етакчиси, эл-юртининг эъзозида бўлади. Саудия Арабистонидаги музейлардан бирида Алишер аканинг буюмлари билан танишган, бир пайтлар ўша юртга бориб қолган ҳамюртларимиздан бирининг ўғли устадан 90 ёшга яқинлашган отаси учун сополдан рўзғор буюмлари ясаб беришини сўрайди. Бир умр сопол лаганда ош еб, сопол пиёлада чой ичган қариянинг кўнгли бугунги Бухоронинг тупроғи қоришган идишларда таом тановвул этишни тусаб қолади. Аммо буюртмалар етиб боргунича отахон ҳаётдан кўз юмади... Кулол ўшанда тупроқда Ватан соғинчи, унинг бўйи мужассамлигини янада чуқурроқ ҳис этган эди.

— Бугунги куннинг қадрига етиш учун яқин ўтмишни эслаш кифоя. — дейди Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий академиги Алишер Нарзуллаев. — Мободо бундан йигирма йил илгари юртимизда яратиладиган шарт-шароитлар сабаб бир оддий кулол ўз ҳалол меҳнати шарофат ила дунё кезиши башорат қилинса, ҳеч ким ишонмаган бўларди. Шундай экан, биздан фақат ўз касбига, оиласига, юртига садоқат ва меҳр-муҳаббат намуналарини кўрсатиш талаб этилади, холос. Она юртимга садоқатимнинг рамзи сифатида анча йиллардан буён режалаштириб юрган бир ишни бошлаб юбордик. Ҳунармандчилик соҳасини вилоят миқёсида ривожлантириш мақсадида Ғиждувон шаҳрида кулолчилар маркази биносининг қурилишини якунлаяпмиз. Бу масканда 9 та устахона, кўргазма зали, чет эллик сайёҳлар учун меҳмонхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари фаолият юритиши назарда тутилмоқда. Бу ишимиз узоқ тарихга эга бўлган халқимизнинг бой меросини келажак авлодларга бекаму-кўст янада бойитилган ҳолда етказишда муҳим роль ўйнайди.



Кулол Алишер Нарзуллаевнинг кўплаб шогирдлари билан бирга амалга ошираётган бу саъй-ҳаракати тобора яшараётган ҳунармандлар шаҳрининг бугунги қиёфаси учун муносиб безак бўлади, албатта.

Турмуш ўртоғининг ғайратидан илҳомланган Дилором опа ҳам миллий каштачилигимизнинг нозик сир-синоатларини эринмай ўрганди. Атрофидаги бу ҳунарга иштиёқманд аёлларнинг ўнтасини йиғиб, уларга ўрганганларини ўргата бошлади. Шу боис аёллар тикаётган кашталарнинг жилоси кундан-кун ортиб, Дилором опада янги-янги режалар туғилмоқда. Улар энди бўй кўрсатиш арафасида.

Илм кўкка, ҳунар кўпга етказар, деган экан, доноларимиз. Ҳунар орқали элга танилган бу тадбиркорлар оиласи келажакда қадим Бухоро, қолаверса, жонажон Ўзбекистонни дунё санъат шайдоларига кўз-кўз этишларига ишонамиз. Бу устанинг ҳақиқатидир.

Шавкат НОСИРОВ,
Мамлакат НОРМУРОДОВА

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари иноқлий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иноможон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 8894 Буюртма — Г-926 123 5